



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2026-yil
28-yanvar
chorshanba
№ 4 (1482)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqq boshlagan * www.uzhurriyat.uz * @ gazhurriyat@mail.ru * t.me/hurriyatuz * Hurriyat gazetasi

МУНОСАБАТ

МАҲАЛЛА ТИНЧ — ЮРТ ТИНЧ

Куни кеча Президентимиз Тошкент шаҳрида хавфсиз муҳитни шакллантириш ҳамда жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш бўйича намунавий амалиётни яратиш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилишини ўтказди. Унда халқимизни рози қилиш, адолатни таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятга жазо муқаррарлигини таъминлаш борасидаги устувор масалалар муҳокама қилинди. Йиғилишда тунги хизмат учун ички ишлар ва Миллий гвардия ходимларига компенсация тўлаши маълум қилинди. Ички ишлар ва Миллий гвардия ходимларига тунги хизматининг ҳар соатига базавий ҳисоблашнинг 5 фоизи миқдорига компенсация берилиши белгиланди.

Аҳоли ҳуқуқларини таъминлаш ва қулай шароит яратиш мақсадида судлар, адвокатура, суд-тиббий экспертизанинг ҳам марказлашган тунги навбатчилигини ташкил этиш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш вазифаси топширилди.

Илғор тажриба асосида аҳоли гавжум жойларда дрон ёрдамида патруллик кузатуви йўлга қўйилди.

Чилонзор тумани ички ишлар ходимлари соҳаси ва худудидан қатъи назар, фуқаро мурожаатини қабул қилади, кўчада формали ходимга қилинган мурожаат “102”га хабар берган билан тенг бўлади...

Тумандаги барча 55 та маҳалладаги профилактика инспекторининг хизмат хонаси эшиги у билан тезкор боғланиш учун алоқа тугмаси билан жиҳозланади. Яъни профилактика инспектори қаерда бўлмасин, аҳоли унинг қўл телефони ва планшетига тун-ун кун боғланиши мумкин бўлади.

Бу йил “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб номланди. Ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда асосий бўлин — маҳалла профилактикаси. Лекин Тошкент шаҳридаги профилактика хизматларининг иши тўғри ташкил этилмагани боис муаммолар тўпланиб қолгани қайд этилди.

Йиғилишда профилактика инспектори учун замонавий, халққа ёқадиган кўринишда формани тайёрлаш лозимлиги ҳам ўқтириб ўтилди. Инспекторларнинг иши рақамлашти-

рилиб, “овозли тушунтириш хати” олиш амалиёти йўлга қўйилган бўлди.

Шунингдек, туман ички ишлар тергов бўлимида материалларни кўриб чиқадиган терговга қадар текширув гуруҳлари тузилади.

Бундан буён профилактика инспекторига КПИ кўйишда протокол тузиш мезон бўлмайди.

“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун ҳам жуда декларатив ёзилгани, ҳақиқий ҳолат асосида амалда ишлайдиган янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни ҳам профилактикага йўналтирган ва таъсирчанлигини оширган ҳолда янгилаш муҳимлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг соҳага оид бундай изчил янгиликларни киритиш ташаббуси йилдан-йилга ривожлантириб боришмоқда.

Айтиш жоизки, 2016 йил 16 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниб, 2017 йил 9 февралда Ўзбекистон сиёсий етакчиси Шавкат Мирзиёев Ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган “Инсон манфаатларини таъ-



минлаш учун аввало унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинмоғи керак — халқимиз ўз ҳаётини ва давлатини рози бўлиб яшашини таъминлаш бугун барчамизнинг бош вазифамиздир. Ўйлайманки, асосий вазифаси мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ҳамда аҳоли осойишталигини таъминлаш бўлган ички ишлар органларидан халқимиз бугунги кунда розими, улар

фаолияти замон талабларига мос келадими ёки йўқми, деган саволга жавоб бериш вақти келди”, — деган эди. Дарвоқе, қайси ҳудудда ҳокимликлар, прокуратура ва ички ишлар органлари, жамоат ташкилотлари бир ёқадан бош чиқариб, оқилона иш олиб бораётган бўлса, ўша ерда одамлар ҳаётдан рози бўлиб яшапти.

2-6

ҒУРУР

ЎЗБЕКИСТОН — ТИНЧЛИК ТОМОНДА!



Бугун Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги тинчликсевар сиёсати, тинчликпарварлик йўлидаги стратегик мақсадлари ўзининг янги босқичга қўтарилди. Жаҳон оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали кузатаётганларимиз — ер юзининг турли минтақаларида юз бераётган вайронагарчиликлар, инсон кадр- қимматининг топталиши, бундан, айниқса, аёлларнинг, болаларнинг, норасида гўдакларнинг жабр кўраётгани қалбларимизни даҳшатга солади.

Йиллар ўтиб, вайроналарнинг ўрнида ҳали янги бинолар, янги иморатлар, балки, яна қад рости-лар, буй кўрсатар. Лекин завол бўлган умрлар, тақдирларнинг, бе-гуноҳ инсонларнинг ҳаётини ҳеч нарса билан қайтариб бўлмайди. Бугунги глобал дунё ва унда инсон онги учун, тафаккури учун бўлаётган курашлар, турли маънавий таҳдидлар, геосиёсий майдондаги манфаатлар тўқнашуви бизни том маънода оғоҳликка, ҳушёрликка даъват қилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида шундай деган эди: “Ўзи ким томондасан” деган кучли сўровлар бўлади. Мен уларга қараб, мен Ўзбекистон томондасан, халқим томондасан деб айтаман”. Бу гаплар бугун дунё сиёсий жиҳатдан янгилаш тус олаётган паллада Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатъий сиёсий принципи, тамойили ўлароқ намоён бўлмоқда. АҚШ Президенти Дональд Трампнинг таклифига би-

ноан Давлатимиз раҳбари Давосда Халқаро Тинчлик кенгашининг Низомини имзолаш маросимида иштирок этгани, Тинчлик кенгашига расман аъзо бўлгани дунё ҳамжамиятининг тинчлик сиёсатида Ўзбекистоннинг ҳам ўз овози, ўз сўзи, ўз имзоси борлигидан ёрқин нишон-надири. Ҳа, ўтган ҳафтада давлатимиз ўзининг кучли сиёсий иро-дасини намоён этди! Буюк аждодларимизнинг эрк учун, Ватан учун, мустақиллик учун кечган курашлардаги шонли хитоблари авж пар-дада янгради! Ўша кун халқимизнинг тарих китобида жасорат ва матонат саҳифаси бўлиб мангула муҳрланди!

Тинчлик кенгашига Ўзбекистоннинг аъзо бўлиши бугун Ўзбекистон — АҚШ муносабатларидаги таълим, тиббиёт, иқтисод соҳасидаги ҳамкорликдан кўзланган мақсадларни амалга оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бу ҳамкорлик алоқалари кейинги пайтларда янги босқичга кўтарилгани, ҳар икки мамлакат Президентлари ўтган йили бир неча бор учрашиб, жуда катта инвестициявий лойиҳаларни кўзлагани халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишда янги имкониятлар эшигини очди. Аммо бу йирик сармоявий дастурларни амалга ошириш учун, албатта, энг аввало тинчлик керак!

Биз ўттиз саккиз миллионлик буюк халқнинг тинчлиги учун имзо чеккан Президентимизнинг ёнида туриб, биз ҳам, ўзбек зиёлилари, ўзбек оналари, ўзбек халқи бўлиб тинчлик учун, давлатимизнинг суверенитетини, мустақиллигини асраш учун дахлдор эканимизни юракдан ҳис қиламиз. Ва бу дахлдорлик туйғусини ёш авлоднинг қалбида ҳам камол топ-тиришга ўзимизни масъул деб би-

лашим. Тинчлик энг олий бахт, энг олий саодат эканлиги ва уни асрамоқ юксак бурч эканлиги ҳақида бонг уриб, буни ўз сўзимиз, асарларимиз билан етказиш елкамиздаги улкан вазифадир.

Шунча қирғин, қирон етар, бас, Санюг йўқ қурбон етар, бас, Нола, афғон, армон етар, бас, Тинчлик учун имзо чекамиз!

Мурғак жони сарсон болалар, Азиз жони арзон болалар, Гирён, нолон, ҳайрон болалар... Тинчлик учун имзо чекамиз!

Қўзёшлари уммон оналар, Ҳасратлари осмон оналар, Фитон, исён, хазон оналар... Тинчлик учун имзо чекамиз!

Йиғлаб учар ярадор қушлар, Ерни кучар ярадор қушлар, Мотамсаро, азадор қушлар... Тинчлик учун имзо чекамиз!

Ғафлат ичра фурсат ўтмасдан, Жаҳолатга рағбат етмасдан, Еру осмон ёниб кетмасдан, Тинчлик учун имзо чекамиз!

Сафсатаси сийлов ўзига, Дананга йўлиб шартта юзига, Имзо чекар ўзбек сўзига: Тинчлик учун имзо чекамиз!

Жасорату буюк аҳд ила, Бобомерос шиддат, шахт ила, Ўзбекистон бўлиб жаҳд ила, Тинчлик учун имзо чекамиз!

Ўзбекистон тинчлик томонда! Тинчлик учун имзо чекамиз!

Сайёра САМАНДАР, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси, “Шўҳрат” медали соҳибаси.

АДОЛАТ – ҲАЁТ МЕЗОНИ

СИНМАГАН ҲАҚИҚАТ

ёхуд уюштирилган айблов асосида озодликдан маҳрум этилган ИИБ ходимининг оқланиб, ишга тиклангани ҳақида

Ўша куни Мунира турмуш ўртоғи, подполковник Ҳусниддин Абдуллаевга бир неча мартаба қўнғироқ қилади. Жавоб бўлавермагач, алами келган Мунира “энди менинг ҳам жавобимни кутсинлар”, деган маънода уяли телефон аппаратини ўчириб қўяди.

Маҳкамада сўроқ қилинаётган Абдуллаевдан уйдигиларини хабардор қилиш мақсадида яқинларининг телефони рақамини сўраганида, ҳаёлига фақат турмуш ўртоғи Муниранинг рақами келади, холос. Аммо афсуски, у билан боғланишнинг сира иложи бўлмайди...

Подполковник Ҳусниддин Абдуллаев 1979 йили Андижон вилояти Асака туманида туғилган. 2001 йили ИИБ Ёнгиндан сақлаш олий техник мактабини тамомлаган. Мазкур таълим муассасасида турли лавозимларда ишлаб, 2007 йили Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ИИБ ҲООб МТП профилактика инспектори вазифасида фаолиятини давом эттирган.

Ҳаёт йўли бир текис эмас экан. Ушанда 2013 йил 11 сентябрь куни эди. Ҳусниддин Абдуллаевнинг ҳар доимгидек хизмат вазифасини бажариш жараёни. Ҳужжатларни туман ИИБга олиб кетаётган пайти ҳудудда юрадиган таниш йиғитлардан бири шошиб келиб: “Ака, диск сотадиган дўкон очмоқчи эдим, маслаҳатингиз керак”, деб гапга тутди. Инспектор шошиб турган бўлса-да, бунинг учун керакли ҳужжатлар расмийлаштириш лозимлигини, турли хилдаги порнографик ва диний экстремистик хусусиятга эга дисклар сотуви мумкин эмаслигини тушунтириб, машинасига ўтиради. Илгит кўча бошидаги дўконгача унинг машинасида бирга чиқиб олишни илтимос қилади.

2-6

АЧЧИҚТОШ

“БИЛМАМ, АДАШДИММИ Ё ТЎҒРИ ҚИЛДИМ?”

Сарлавага қараб, хойнахой, Ўзбекистон халқ артисти Замира Сунонова ижросида янграган ва мухлислар қалбидан муқим жой эгаллаган машҳур кўшиқ ҳақида сўз борса керак, деб ўйлагандирсиз. Нафсиларини айтганда, маънавий оламни бойитишда миллий кўшиқларимизнинг ҳам ўз урни бор. Бироқ ҳозир гап билиб ё билмай, балки, адашган ҳолда, маънавиятнинг юксалишига берилаётган “зарбалар” ҳақида. Янада аниқроғи, сўз масъулияти, айтётган ахборотимиз, билдираётган фикримиз маънавият дарахтининг илдизига болта бўлиб тушмаслиги ҳақида.

“ФАУСТ”НИ КИМ ЁЗГАН?

Яқинда ижтимоий тармоқлардан бирини “А” ҳарфи билан бошланадиган 5 та давлатни санаб беринг” деган саволнинг жавобини эшитиб, кўзларимга ишонмадим. Ахир, “Австралия, Америка, Антарктида, Азарбайжан, Амстердам” деб жавоб берган респондент унча-мунча одам эмас, нақ миллионлаб обуначига ва ундан ҳам бир неча бор кўпроқ кузатувчига эга машҳур вайнер эди-да...

3-6

ЭҲТИРОМ

Сирождин САЙИД, Ўзбекистон халқ шоири

УМР НИЗОМИ

Профессор Низомиддин МАҲМУДОВГА



Илму заҳматни бир вужудда кўрдик, Жисму жон аталмиш ҳудудда кўрдик.

Олимлар пайгамбар ворисларидир, Илм аҳлин бир умр сужудда кўрдик.

Ажиб ҳолатлар бор тил ва дил аро, Дилни қон — тилни гар сукутда кўрдик.

Бургутда кўрдик гар дил парвозини, Тилнинг жилосини ҳудудда кўрдик.

Ўрхункелдилардан тингладик калом, Мавжларин Устюрт ҳам Сургутда кўрдик.

Навойдан олдик Чоркитобларин, Чорчинорларини Ургутда кўрдик.

Элимнинг камтарин олимлари бор, Умрини сабр ила субутда кўрдик.

Биби Убайдадир асли Бувайда, Номларин аллау сурудда кўрдик.

Игна билан қудуқ қазғувчи зотлар, Мехнатин шу элу, шу юртда кўрдик.

Умр йилларининг ҳар сониясин Устоз қақиб турган гургутда кўрдик.

Асли икки аср етмиш бешдадир, Маънисин бу кунги мавлудда кўрдик.

Илмнинг низоми интизомини Домла Низомиддин Маҳмудда кўрдик.

МАХАЛЛА ТИНЧ — ЮРТ ТИНЧ

1-6. Бу сўзлар тўққиз йил олдин айtilган бўлса-да, бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Президентимизнинг: *“Биз жиноятчиликка қарши курашишда профилактика ишларини кучайтиришимиз, айниқса, кўчи поғонадаги ишларни тубдан ўзгартиришимиз зарур ва шарт”*, — деган долзарб ғоялари асосида ишловларни изчил тарзда давом эттирилмоқда. Бу борада 2026 йилдан республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш, тинчлик ва оқилолликни таъминлашнинг мутлақо янги механизмларини жорий этиш, ҳуқуқбузарликни содир этишга сабаб бўлаётган ижтимоий-маиший муаммоларни ижтимоий профилактика чоралари тизими орқали ҳал этиш ҳамда аҳолида шахсий хавфсизлик ҳиссини шакллантириш ўта муҳим чора-тадбирлар сифатида белгиламоқда. Шу боис ҳам 2026 йил — “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб номланди.

Маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратишнинг ташкилий-профилактика асосларини замон талабларига мослаштириш, содир этиладиган қонунбузилишларнинг асл омилларини ўз вақтида аниқлаш ва комплекс чора-тадбирлар билан манзилли бартафариш этиш орқали жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизимининг самарадорлигини янада ошириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2025 йил 26 декабрь кунин Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида шундай қайд қилди: “Бугунги кунда жамиятимизда турли хил фикр ва қарашлар бўлиши табиий. Бу — демократиянинг бирламчи талаби. Аммо, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бутун элуртимишни бирлаштирадиган улуғ бир ғоя бор. У ҳам бўлса, Ватан манфаати халқимиз манфаатидир. Мана шундай буюк мақсадга эришишда маҳалла тизимининг ўрни ва таъсири беқиёс. Чунки, маҳалла тинч ва аҳил бўлса, жамиятимиз тинч ва ҳамжихат бўлади. Маҳалла ривожланса, бутун мамлакатимиз юксалади”.

Ана шу фикрларнинг амалий ифодаси сифатида Президентнинг 2025 йил 3 январдаги “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори асосида маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш бўйича ишлар комплекс тарзда ташкил этилмоқда.

Маҳаллаларда хавфсиз муҳитни мустақамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича жойларда профилактика инспекторларининг иш самарадорлигини ошириш муҳимдир.

Маҳаллаларда ёшлар, аёллар ва ишсизлар томонидан, шунингдек, оила-турмуш муноса-

батлари доирасида содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишда “маҳалла еттилиги” ҳар бир вақтининг аниқ масъулияти белгилаб олгани ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига янгиликлар иш услублари татбиқ қилина бошланди.

Аҳолининг ҳуқуқий онги, ижтимоий фаоллиги ва фуқаролик масъулиятини ошириш, жиноят содир этилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ижтимоий муаммоларни ҳал этишга жамоатчилик вакиллари, нурунийлар ва маҳалла еттилиги фаоллари ҳар қандай тажовузларнинг олдини олиш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига замонавий рақамли технологиялар ҳамда техника воситалар кенг жорий этилди.

Профилактика инспекторларидан содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликларни ҳисобга олиш, уларнинг оқибати билан курашиш эмас, балки содир этилишига сабаб бўлган омилларни чуқур таҳлил қилиш ҳамда шаҳар-туманлар ички ишлар органлари фаолиятида уларнинг барвақт олдини олишга қаратилган чора ва тадбирларни ўз ҳудудларида амалга оширишга жиддий ёндашиш талаб этилади.

Бундай пайтда криминоген вазияти мураккаб ёки оғир бўлган маҳаллаларда жиноятлар содир этилишига таъсир қилаётган “асл омиллар”ни ўрганиш ҳамда уларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, манзилли ташкилий-профилактика тизимини йўлга қўйишга қаратилган илмий-назарий жиҳатдан асосланган тақлифлар устида Малака ошириш институти профессор-ўқитувчилари ҳамда тадқиқотчилари томонидан изланишлар олиб борилмоқда.

Шаҳар-туманларда маҳалла еттилиги билан ҳамкорлик ҳамда бир-бирини қўллаб-қувватлаш асосида фаолият кўрсатиш йўлга қўйилган. Бунда асосий эътибор ёшлар билан, айниқса, уюшмаган ёшлар билан бевосита олиб борилаётган зарурий тадбирлар самарадорлигини амалга оширишга қаратилиши ўта муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Қриминология тадқиқот институтининг ҳисоботларида келтирилганидек, унинг ижросини таъминлаш мақсадида “маҳалла еттилиги” билан ижтимоий профилактика бўйича 9 864 та семинар ташкил этилди, ҳуқуқбузарликлар содир этган 553 728 нафар шахсга хулосалар берилиб, 351 146 нафарининг муаммолари ижобий ҳал этилди. Аҳоли билан 152 394 та ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилди, беҳаловат оилаларнинг мавжуд муаммоларини бартафариш этишга 31 280 мартаба имом-хатиб ва отинийлар жалб қилинди. Ёшлар билан 285 739 мартаба ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш бўйича тадбирлар ташкил этилди, 273 798 нафар оғир тоифадаги ёшларнинг касб-хунар, чет тилларни ўрганиши, иш билан бандлиги, табиий ва бошқа ёрдамлар билан боғлиқ

ижтимоий-маиший муаммолари ҳал этилди.

Маҳаллалардаги аҳоли гавжум жойлар ва кўчаларга 37601 та видеокузатув, кўп қаватли уйларнинг ҳовлиларига 2029 та, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларининг кириш-чиқиш жойларига 4577 та, очик спорт майдонларига 1995 та “РТЗ” камералари ўрнатилганлиги профилактика инспекторларига жуда қўл келиб, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш имкониятлари очик-ойдин яратилди.

Шуни қайд қилиш лозимки, маҳаллаларнинг асосий кириш-чиқиш жойларига 8454 та ва савдо марказлари ҳамда бозорларга 2955 та шахс қиёфаси ҳамда авторакмларни таниб олувчи замонавий камералар, кўп қаватли уйларнинг ашиқларига 13142 та замонавий домон комплекслари ўрнатилиши натижасида деярли барча маҳалла ҳудудларида куну тун назоратни автоматик нормал ҳолатда бошқаришга эришилди. Маҳаллаларда 4945 та “намунавий хавфсиз кўча” ҳамда 11645 та “намунавий хавфсиз йўлаклар” ташкил этилганлиги аҳоли тинчлиги ва оқилолликни таъминлаш йўналишида амалга оширилаётган энг муҳим жиҳатлардан бири бўлди.

Криминология тадқиқот институти мутахассислари томонидан олиб борилган бир қатор илмий-амалий тадбирлардан ўғрилиқ, фарибгарлик, қасддан тан жароҳати етказиш жиноятларининг барвақт олдини олиш борасида Тошкент шаҳар, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари маҳаллалари бўйича илмий ёндашувлар асосида ишлаб чиқилган янги авлод ҳудуд методикалари институтида ҳамда ҳар томонлама ташкил этилаётган тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълим ва тарбия дастурларига киритилди.

Илмий-ижодий жамоамиз ўзининг реал фаолиятини ишга солиб, илмий-амалий изланиб, профилактика инспекторини янги лойиҳа яратишга жалб қилган ҳолда, уни лойиҳачи қолибга айлантириш жуда долзарб муаммо бўлмоғи керак.

Криминология тадқиқот институтининг жорий йилга мўлжалланган асосий тадбирлари режасида криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларни хавфсиз ҳудудга айлантириш бўйича тадқиқот жараёнлари “илмий ҳулоса — тавсия — натижа” тамойили асосида ташкил этилиши белгиланган. Малака ошириш институтига ўқув тайёрлиги бўйича юборилган амалиётчи ходимлар билан ҳудудлардаги муаммолар юзасидан сўровлар асосида, унинг натижаларини эса чуқур таҳлил этган ҳолда янги ҳулосалар ва тавсиялар асосида ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакаларини ошириш таълим жараёни учун ниҳоят муҳим ҳисобланиб, илмий асосланган ҳолда мавзулар киритилади, амалда фаол жорий этилади.

Олиямjon АХМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Малака ошириш институти бошлиғи,
полковник.

1-6.

Манзилга етгач, тушиб кетаркан, инспекторга совға бериб юборишганини айтиб, қўлидаги селлофан пакетга ўралган пулларни тутқазади. “Бу нима қилганинг? Ол бунин!” деб пакетни йигитга қарата иргитади. Йигит “Бу сизга”, деб турган маҳал саккиз нафардан зиёд хизмат ходимлари машинани ўраб олишди ва Абдуллаевнинг қўлини орқага қайириб, Тошкент шаҳар прокуратурасига олиб кетишди...

Мунира ишдан ҳаялланган турмуш ўртоғидан аввалига хавотир олмайдди, чунки хизмат вазифаси ўлароқ, бундай ҳолатлар бўлиб турарди. Шу боис ҳам уяли телефон апаратини ёқиб, ундан хабар қилиш ҳаёлига ҳам келмайдди. Кейинчалик вазиятни билганда эса ўзини ўзи ич-ичидан койиди.

— Отамнинг кўзида ёшни ўшанда кўрганман, — деб эслайди Ҳ.Абдуллаев. — “Отажон, меҳрибоним, йиғламанг, менинг айбим йўқ... Бир кун адолат қарор топади, аммо бунинг учун вақт керак. Илтимос, менга ишонинг!” дегелманман, холос. Отам кўзларидаги ёшни рўмоғчаси билан артаркан: “Оилангдан, фарзандларингдан хавотир олма. Соғлимига қара”, деди-да, чиқиб кетди.

Хусниддин Абдуллаевнинг оилада акаси, укаси ва биргина синглиси бор эди. Ака-укалари



Янги Ўзбекистонда Конституция ва қонунлар устуворлиги таъминланиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинишига ишонардим. Худода шукр, оилам, яқинларим, касбдошларим,

СИНМАГАН ҲАҚИҚАТ

ёхуд уюштирилган айблов асосида озодликдан маҳрум этилган ИИБ ходимининг оқлини, ишга тиклангани ҳақида

ҳам офицерлар, синглисининг турмуш ўртоғи ҳам шу соҳа ходими. Унинг бошига келган қора булутлар ака-укаларининг эмас, негадир қувёни қаволятига соя солгандек бўлади. Ариза ва кўрсатмаларга асосланган жиноят иши ҳужжатларига кўра, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг ҳукми билан 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилади. Жазо муддатининг маълум бир қисmini ўтаганидан сўнг, озодликка чиқарилади.

— Озодликка чиқиб — чинакам қувонч, чексиз бахт бўлса-да, аммо кўп йиллардан бунён елкамин босиб турган оғир юкдан халос бўлиш дарди қийнади. Негаки, барибир кўпчиликнинг назарида юзюк қора бўлган, муносабатлар ҳам шунга яраша эди, — дейди Хусниддин Абдуллаев.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг қассияси инстанцияда суд жараёни қайтадан кўриб чиқилиб, суд ҳукмига кўра, унинг ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли тўлиқ оқланади.

Шу аснода адолат қарор топди, йиллар мобайнида юзага чиқмай келган ҳақиқат тантана қилди. 2023 йилнинг ноябрь ойида Ички ишлар вазирининг буйруғи билан хизматга тикланган Хусниддин Абдуллаев Чилонзор тумани бўйича ИИОФМБ 3-сонли ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлимаси профилактика катта инспектори лавозимида иш фаолиятини давом эттирадиган бўлди.

— Хизмат формамни яна киярканман, рости, кўнглим алпанечук бўлиб, йиллаб олганими ҳам яширмайман, — деди лавҳамиз қахрамони. —

маҳалла-қўй олдига юзим ёруғ бўлди.

Подполковник Хусниддин Абдуллаев бугунги кунда Чилонзор тумани ИИОФМБ 2-сонли ИИБ бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда. Унга иш жойига яқин бўлган ҳудуддан барча қулайликларга эга бўлган хизмат уйи берилган. Турмуш ўртоғи Мунира шу ҳудуддаги 179-сонли мактабда инглиз тилидан дарс бериб келмоқда. Улар Гулҳаё, Азизбек, Лазизбек исмли фарзандларини Ватан хизматига камарбаста инсонлар этиб тарбиялашмоқда.

Дарҳақиқат, айрим инсонлар ҳақиқатни яширишга, унинг йўлини буришга уринади. Баъзан у чалқашликлар ичида кўздан йўқолгандек бўлади. Лекин ҳақиқатнинг умри узун. У бир пайтлар эгилгани мумкин, аммо ҳеч қачон синмайдди, вақт ўтгач, барибир ўз овозини топиб, юзага чиқади. Ҳудди лавҳамиз қахрамони, подполковник Хусниддин Абдуллаев қисмати каби. Унинг қадмлари шубҳалар сояси остида босилган бўлса-да, қалбидаги ҳақиқат уни йиқитмади. Вақт ўтди, синовлар ўтди, аммо барибир ҳақиқат ўз йўлини топди, ўз сўзини айтиди ва қахрамонимиз тақдирда адолат нурини кўрсатди...

Сўзимиз сўнида яна шунга айтиш ўринлики, бундай адолат тантаналари Президент Шавкат Мирзиёев иқтидорига келганидан кейин рўёбга чиқди. Бу мамлакатимизда очилик ва шаффоқлик сиёсатининг натижасидан албатта.

Адолат ФАЙЗНЕВА,
ИИБ Бирлашган тахририят
муҳбири.

НУҚТА НАЗАР

Коррупция жамиятни турли йўллар билан исканжага оладиган иллатлардандир. У демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказиб, инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келади, бозорлар фаолиятига тўсқинлик қилиб, ҳаёт сифатини ёмонлаштирилади, эл-юрт хавфсизлигига таҳдид соладиған уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа салбий ҳолатлар илдиэ отиши учун шароит яратида. Шу боис ҳозир коррупцияга қарши кураш дунё миқёсида кучайтириляпти.

Бу борада Ўзбекистонда ҳам зарур чоралар кўрилмоқда. Жумладан, 2017 йил 3 январда қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун юртимизда айни йўналишдаги жиноятларни бартафариш этишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ижросини таъминлашда асосий ҳуқуқий пойдевор вазифасини ўтамоқда. Чунки унда коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашиш субъектлари фаолиятини мувофиқлаштириш, манфаатлар тўқнашувини чеклаш ва шаффоқликни ошириш каби механизмлар қатъий белгилаб берилди. Шунингдек, Президентимизнинг 2020 йил 29 июндаги тегишли қарорига мувофиқ, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди. Бу жараён Сингапур тажрибасига асосланди.

Бутун жаҳонда коррупцияга қарши курашиш ва унинг даражасини тадқиқ этиш билан шуғулланувчи “Transparency International” номли ноҳукумат халқаро ташкилот маълумотларига кўра, 2024 йилда Ўзбекистон 180 та давлат ичида 32 балл билан 121-ўринни эгаллаган. Йил мобайнида коррупцияга дахлдор 5716 та ҳолат аниқланган. Уларнинг аксарияти олий таълим, мактабгача ва мактаб таълими, банк, қурилиш ҳамда давлат харидлари соҳаларида содир этилган.

Хўш, коррупция нима ва қандай намоён бўлади? Одамларни унга етаклайдиган асосий омиллар нималардан иборат? Бу янги саволлар кишини жиддий ўйга толдиради ва чуқур муҳоҳада юритишга ундайди.

Коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахслар манфаатларини кўзлаб, моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланишидир. Унинг бир кўриниши бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш бўлса, иккинчиси манфаатлар тўқнашувини ҳисобланади. Манфаатлар тўқнашувини эса, шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришга таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазиятдир.

Коррупция турли кўринишларда намоён бўлади ва ҳар бири давлат бошқаруви ҳамда жамият ҳаё-

тининг муайян соҳасига таъсир кўрсатади. Энг кенг тарқалган шакллари куйидагилар саналади:

- пора олиш ва бериш — мансабдор шахс томонидан маълум бир ишни бажариш ёки бажармаслик эвазига қонуннинг муқофот талаб қилиш ёки қабул қилиш;
- мансаб ваколатини суистеъомол қилиш — шахсий манфаат учун мансаб вазифаларини қонунга зид равишда бажариш;
- непотизм ва фаворитизм — лавозимларга танловсиз, қариндошлар ёки танишлар орқали жойлаштириш;

— автомобиль йўллари соҳасида давлат хизматчилари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилгани.

2022 йили қабул қилинган “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун давлат хизматчиларининг ҳалоллик стандартларини мустаҳкамлаб, ахлоқ кодекси, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, даромадлар декларацияси каби муҳим нормаларни жорий этиди. Бундан ташқари, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан ҳар йили коррупция хавф-хатарлари хариталари шакллантирилиб, давлат органларида ортиқча бюрократия, тақ-

очик қўл кўринишидаги ва узунлиги ўн икки метрлик ушбу композиция ҳалоллик, пок амаллар ва ниятларни, коррупцияга нисбатан мутлақо тоқатсизликни, дунёнинг барча мамлакатларини унга қарши курашиш учун бирлашишга чақиргани аниқлади.

Мамлакатимиз коррупцияга қарши курашишни йўлга қўйишда Финляндия тажрибасига ҳам таянмоқда. Негаки, “Transparency International” ташкилотининг эътирофи этишича, бу давлат коррупция даражаси энг паст 5 та мамлакат сирасига кирди. Унда коррупциянинг олдини олиш учун алоҳида қонун ёки ташкилот эмас, балки ахлоқ қоидалари

равишда чўзиш, ҳужжатларни сохталаштириш ёки моддий манфаатни кўзлаб сотиш, асоссиз равишда архив ҳужжатларини сақловга қўйишдан бўйин тов-лади, уларга қасддан жисмоний путур етказиш ёки йўқотиш каби иллатлар ушбу касб эгалари учун мутлақо ёт одалтардир. Жорий тартиб-қоидаларга риоя қилмаслик коррупцион иллат деб ҳисобланади ва зиммасидаги масъулиятни унутиб, қасбига хиёнат қилган архив ходимини меҳнат жамоаси ўртасида муҳожама этиб, вазифасидан бўшатишгача бўлган чора қўрилади.

Архивда ишлаётган ёки унга ишга кирмоқчи бўлган киши архив даромад олишни мақсад қилиб қўймайдиган нотижорат ташкилот эканлигини тўлиқ англаши ҳамда унда ниш урган ҳар қандай коррупцион ҳаракат бутун бошли муассаса ва архивчилар шаънига доғ туширишини, бунга сабабчи бўлган кўп сонли жамоа аъзоларининг ҳақли эътирозларига дучор бўлиши мумкинлигини ёдда тутиши керак.

Архив соҳасида фуқароларга кўрсатилмайдиган хизмат турлари автоматлаштирилгани, ҳужжатлар рақамлаштирилгани боис уларга инсон омили ва аралашуви кескин камайтилди. Натияжада коррупция ҳолатларининг олдини олиш тизими шакллантирилди. Эндиликда одамлар архив маълумотномаларини олиш учун бевосита архив идораларига эмас, балки давлат хизматлари марказлари ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилиш имкониятидан кенг фойдаланишмоқда. Янги тизим фуқаролар аввалгидек барча архивларга бориб, сарсон-саргардон бўлмасликларини таъминлашдан ташқари, уларга ўзлари сўраган маълумотларни бирдангина бир неча архивдан тез ва осон, яна денг, электрон шаклда олиш имконини бermoқда. Бу архив соҳасида фуқароларга яратилган замонавий қулайликлар сифатида эътироф этилмоқда.

Сирасини айтганда, коррупция жамиятнинг барча қатламига зарар етказадиган, тараққиётга тўсқинлик қиладиган хавфли бало-офатлардан биридир. Унга қарши курашиш айбдорларни қилиши яраша жазага тортишдан ташқари, очилик, ҳалоллик, рақамлаштириш, жамоатчилик назорати ва ҳуқуқий онги оширишдан иборат бўлиши даркор. Ўзбекистон ушбу йўналишда муҳим қадамлар ташламоқда.

Албатта, коррупциядан холи жамият барпо этиш учун давлат, фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳамжихатлиги жуда зарур. Биз буни мудом ёдда тутмоғимиз, ҳар бир соҳада ҳалоллик маданияти ҳукмрон бўлса, мамлакатда адолат, барқарорлик ва фаровонлик қарор топишини эсдан чиқармаслигимиз лозим.

Сайёра МУХАММЕДОВА,
Ўзбекистон илмий-техника ва тиббиёт
ҳужжатлари миллий архиви бўлим мудир,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори,
Маржона МУСАПМАНОВА,
Ўзбекистон илмий-техника ва тиббиёт
ҳужжатлари миллий архиви катта илмий
ҳодими.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ

Ўзбекистон илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архивида бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— давлат харидларида яширин келишувлар — тендерларни олдиндан келишилган ҳолда маълум манфаатдор шахсларга ўтказиш.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги юртимизда бу иллатга сабаб бўлаётган омилларни ўрганиб, улар қуйидагилардан иборат деган ҳулосага келди:

- давлат харидлари соҳасида харидлар уларнинг ҳажмининг қисмларга бўлиш орқали амалга оширилгани, тендер савдоларида манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилгани;
- соғлиқни сақлаш соҳасида ишга қабул қилишда шаффоқ тизим яратилмагани, тиббиёт муассасаларида бюджет маблағлари талон-тороқ қилинаётгани;
- маданият соҳасида миллий сериаллар яратиш учун телеканалларга субсидия беришнинг аниқ тартиб-таомиллари белгиланмагани;
- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда жиноят ишнинг суриштирув, тергов ва эҳтиёт чорасини танлаш жараёнида енгиллик бериш эвазига тамағирлик ҳолатлари содир этилаётгани;
- қурилиш соҳасида инсон омилини иқом қарор истисно этидиган рақамлаштириш ишлари суст олиб борилаётгани, бунёдкорлик объектларида назорат етарли даражада эмаслиги;
- илмий даража олишда плагиатга йўл қўйиш, таниш-билишчилик муносабатларидан фойдаланиш тизимида рақамлаштириш, назорат ва жавобгарлик механизмлари яратилмагани;

ропланувчи функциялар ва қонун бузилиши хавфи қорчи бўлган жараёнларни қисқартириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилмоқда. Умуман олганда, Ўзбекистоннинг коррупцияга қарши кураш сиёсати ҳуқуқий пойдевор, шаффоқлик, рақамлаштириш, жамоатчилик назорати ва халқаро стандартларга асосланган механизмлар орқали тизимли равишда ривожланмоқда.

Коррупцияга қарши курашишда ҳуқуқий асосни мустаҳкамлаш учун 2024 йил 5 июнда “Манфаатлар тўқнашувини тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Шунингдек, у билан манфаатлар тўқнашувини тўғрисидаги қонунчилик талабларини бажармаганлик учун маълумий жавобгарлик қўлланиладиган бўлди. Давлатимиз раҳбари 2025 йил 19 сентябрда эълон қилган “Коррупцияга қарши курашиш соҳасида фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини янада кенгайтириш ва илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорда эса, коррупцияга қарши кураш соҳасидаги устувор вазифалар белгилаб берилди.

2023 йил 19 декабрь кунин “Tashkent City” халқаро ишбилармонлик маркази ҳудудида халқаро ҳамжамиятнинг коррупцияга қарши курашиш бора-сидаги саъй-ҳаракатларини ифодаловчи монумент очилди. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Президентимиз Шавкат Мирзиёев, Қатар амири шайх Тамим бин Ҳамод Ол Соний, БМТ Бош котибиди ёрдამчиси Александр Зуев ва хорижий мамлакатларнинг расмий шахслари қатнашди. Кафти

амал қилади.

Юртимизда архив иши ва иш юритиш бўйича ягона давлат сиёсатини олиб бoрyвчи “Узархив” агентлиги ва унинг тизимдаги ташкилотларда, хусусан, Ўзбекистон илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архивида ҳам шаффоқликни йўлга қўйиш, ҳужжатларни ўзгалар ёхуд ўз манфаати йўлида сохталаштириш ва коррупция иллатларининг олдини олиш бўйича аниқ вазифалар белгиланган. Чуноткин, тизим архивларда коррупцион иллатларнинг олдини олиш ҳамда коррупцияга қарши курашишга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами яратилиб, Ўзбекистон илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архивининг коррупцияга қарши сиёсати йўлга қўйилган. Архивда коррупцияга қарши кураш бўйича алоҳида вакил тайинланиб, худди шу йўналишда малака ошириш ишлари ташкил этилган. Қолаверса, архив ходимларининг этика кодекси яратилиб, улар одоб-ахлоқ ва этика қоидаларига риоя қилишлари устидан назорат ўрнатилган.

Шу ўринда архивчи касби ва унинг ижтимоий аҳамияти ҳақида бирров тўхталиб ўтсак, фойдалан холи бўлмайди. Зеро, у шаарфли ва муҳим касблардан саналади. Виждонини сотиш, шахсий манфаатини кўзлаб хизмат вазифаларини суистеъомол қилиш,

“БИЛМАМ, АДАШДИММИ Ё ТЎҒРИ ҚИЛДИМ?”

1-6

Жавобдан сўнг пайдо бўлган биринчи савол шу бўлдики, нахотки олий маълумотли актёр ва режиссёр бўлган бу инсон Антарктиданнинг қитъа, Амстердам эса шаҳар эканини, қолаверса, ўзбек тилида “Азарбайжан” эмас, “Озарбайжон” дейилишини билмас... Ахир бу фарқларни жўрофиядан жилла курса, мактаб ўқувчиси даражасида хабари бор ҳар қандай киши яхши билади-ку...

Бориники, энди бу одам бир вақт қилибди-да, деб юқоридаги ҳолатга кўз юмди ҳам дейлик. Лекин ўзининг журналистика соҳаси бўйича магистрлик дипломи борлигини ўрни бўлса-бўлмаса тикиштирадиган, ҳам диний, ҳам дунёвий илми бор одам кўзингизга тик қараб туриб нотўғри ахборот айтса-чи?

Тан оламан, мен ижтимоий тармоқда фаол эмасман. Бироқ баъзан шундай ахборотларга дуч келганимга азбаройи андиша қиламан. Ҳозиргача одамлар блогерми, журналисти, диний уламоми ё олимликка даъвогарми эканини билмаётган бу акашонимиз ўзининг навбатдаги “даъвоси” билан интернетни “портлатди”. Эмишки, дунёга машҳур “Фауст”ни Гёте эмас, Гейне ёзган экан. Яна у жанобнинг маърузаларини тинглаб ўтирган издиҳомга, жумладан, биз кузатувчиларга қарата “Сиз “Фауст”ни ўқимагансиз, шунинг учун уни ёзган Гейне ҳам билмайсиз”, дейишига ўласизми?

Эҳтимол, жаҳон адабиётининг “билмидони” суҳбатидан баҳраманд бўлганлар орасида йўқ бўлса бордир, лекин уни ижтимоий тармоқда кўрганлар орасида улуг немис шоири Гётеннинг машҳур асарини аслиятда ўқимаган бўлса-да, дилбар шоиримиз Эркин Воҳидов таржимасидаги “Фауст”ни ўқиганлар минг-минглаб экани бу ақлнинг хаёлига ҳам келмаган-ов...

“Қовун тушириш” борасида айрим депутатларимиз билан бемалол беллашадиган бу домлажон яқинда яна бир бор хол кўйди. Эмишки, унинг мухлисларидан бири Достоевскийнинг “Ақллилик балоси” ҳақидаги маърузаларидан масрурланиб, уни давом эттиришни сўраган. Нетонгки, “бадий тилда” гапиришни ҳар суҳбатда қайта-қайта такрор этадиган, тилимизда “бадий тил” тушунчаси йўқлигини, балки “адабий тил” ва “бадий асар тили” тушунчалари мавжудлигини билмайдиган магистр жаноблари “Ақллилик балоси” Фёдор Достоевскийнинг асари эмас, балки Александр Грибоедов қаламига мансублигидан ҳам беҳабардир.

“САМАРҚАНДГА БОРСАМ МЕН АГАР”

Юқоридаги фикрлар ижтимоий тармоқ атрофида бўлгани учун бироз баҳсли бўлиши мумкин. Чунки ундаги ахборотлар таҳлил қилинмайди, назоратга олинмайди ва тўғридан-тўғри тарқатилади. Лекин телевидение-чи? У ҳам назорат доирасидан чиқиб кетди? Телевидениедан тарқатиладиган ахборот

аҳолининг онгини ўзгартирадиган даражада қудратга эгаллиги унут бўлдики?

Бежиз бундай дейётганимиз йўқ. Айтиш жоизки, “Маданият ва маърифат” телеканали энг севимли дастурларни намойиш этадиган, шу билан бирга, халқимиз маънавиятини бойитадиган, маърифий ўсишига хизмат қиладиган каналлардан бири. Бироқ айрим кўрсатувларни кўрганда, фикримиз тескари томонга ўзгариб кетганини ўзимиз ҳам билмай қоламиз.

“Қақнус” худди шундай маърифий кўрсатувлардан бири. Унинг бошловчисидан тортиб, меҳмонларигача шеърият ихлосмандлари қалбидан муқим жой олиб улгургани ҳам бор гап. Бироқ шундай суҳбатлардан бирига тақлиф этилган шоир ва адабиётшунос олимнинг Муҳаммад Юсуф қаламига мансуб “Самарқандга борсам мен агар” деган машҳур шеърини Хуршид Даврон асари деб тақдим этса, нима дейишни ҳам билмай қоларкансиз...

“РАВШАН” ТАРИХИЙ АСАРИМИ?

“Сиз эфирдасиз” дастури ҳам “Маданият ва маърифат” телеканалнинг энг оммабоп кўрсатувларидан бири. Уни мамлакатимизнинг 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган аҳолиси кўради, десам, лоф эмас. Чунки унда иштирок этувчилар орасида бошланғич синф ўқувчилари ҳам, пир бадавлат отахонлар ҳам борлигига кўп бор гувоҳ бўлганман. Шунинг учун ҳам бундай кенг аудиторияга эга кўрсатувда янграган ахборот атомдан кучли бўлади. Шунинг учун ҳам оммага тақдим этилаётган ҳар қандай маълумот минг бир чигирикдан ўтиши керак. Ўзимиз билмаган маълумот ёки тўғри деб билган хато халқни чалғитиши, нотўғри хулосага олиб келиши мумкин.

Фикрларим қуруқ бўлиб қолмаслиги учун биргина мисол келтирсам. Мазкур кўрсатув бошловчиси саволни ўқиб эшиттираркан, соврин учун қўйилган китобни эълон қилди. Унинг айтишича, ғолибга “Равшан” тарихий асари насиб этаркан. Камига кўшиб кўйди: “Мана, китобнинг муқовасига “Ўзбек халқ оғзаки ижодидан” деб ёзилган экан. Демак, бу китоб тарихий роман”. Мен-ку миллионлаб мухлислар қатори, уни эшитялман, лекин у бошловчи (яна ўзини тележурналист санаса керак!) менинг “дод” деб юборганини эшитдимикан?!

Эътибор қилган бўлсангиз, биз ҳеч бир “қахрамонимиз”нинг исм-шарифини келтирмадик. Чунки мақсадимиз кимнидир ёмонотлик қилиш эмас. Аксинча, ҳамкасбларимизни, жумладан, сўз билан ишлайдиган барча-барчани сўз масъулиятини ҳис қилишга чақирдиш. Токи, биз тақдим этадиган маълумот, етказадиган ахборот ёки билдираётган фикримиз, адашми ё билиб-билмаган ҳолда, маънавият дарахтининг илдизига болта бўлиб тушмасин!

Темир ҚУРБОН.

АКС-САДО

Хаёт, умр... Ҳар иккиси беназир неъматдир. У инсонга Аллоҳ томонидан берилади. Лекин ҳаётнинг ҳам, умрнинг ҳам ўзига хос ва мос залвори бор. Бу юкни оила деб аталмиш мустаҳкам кўрғон кўтаради. Ана шу кўрғонни қуриш учун, умр бекатларида қувончли саналарни дўсту ёрлар билан бирга баҳам қуриш мақсадида тўй-томошалар қилинади.

Тўй ҳақида сўз айтганда одамзоддаги орзу-ҳавас туйғусини кўз олдимизга келтириш жоиз. Халқимизда “Болани бешикка сол, сепини сандиққа сол” деган нақл бор. Бежиз айтилмаган. Чунки гўдак билан бирга ота-она кўнглида не-не орзу-ҳаваслар уйғониши ҳам сир эмас.

Айниқса, бувижонлар нияти доим эзгу бўлади. Ҳар набира кўрганда кўнгли завққа тўлади. Аллоҳга шукр қилиб, “Зора тўйингни кўрсам” дея ширин ният қилдилар.



ДАБДАБА ВА ИСРОФГАРЧИЛИК ҚАЧОНГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ?

“ТҶЙ – НАМОЙИШ ЭМАС, БАЛКИ ҲУҚУҚИЙ-АХЛОҚИЙ КЕЛИШУВДИР”

сарлавҳали давра суҳбатини ўқиб...

(“Hurriyat”, 2026 йил 14 январь, 2-сон. Муаллиф: Шарифа САЛИМОВА)

Бу ширин ниятга етганлар бор, етмаганлар ҳам бор. Аввало, ушбу ниятдан ҳеч ким бебаҳра бўлмасин дейимиз. Ҳар бир тўй шакли-шамойили ўша давр муҳитидан келиб чиқади. Бир пайтлар ота-боболаримиз даврида битта сандиқ, иккита кўрпа ва иккита кўрпача келинга сеп ҳисобланган. Бу ҳақда онажонларимиздан кўп эшитганмиз. У пайтлар келин моли билан эмас, иймони, одоби, ифпати билан баҳоланган. Лекин оилалар бахтли яшашган. Ажримлар деярли бўлмаган. Ҳозир-чи?

Давр ўзгарди. Одамлар дунёқароши ҳам шунга монанд ўзгариб бормоқда. Тарих тараққиёт сари илдамламоқда. Инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат, садоқат ва хиёнат, шодлик ва қайғу, ҳавас ва ҳасад, яна, эҳқе, қанча туйғуларини елкасига ортан она замин югуряпти, чопаяпти. Вақтнинг баракаси кетган, дейимиз. Шундай шоккин даврнинг тўйлари эса ақл бовар қилмайдиган даражада дабдаба, исрофгарчилик билан ўтаяпти. Келинлар энди одоби билан эмас, балки ота-онасининг мансаби, давлати, унга ажратилган хоналар қандай безатилиши, сепига қараб баҳоланяпти.

Кейинги пайтда тўйлар яна авжига чиқаяпти. Яна ўша пулдорлар, замонамиз бойлари қилишяпти бун. Улардан қолишмасликка ҳаракат қилаётганлар қарзга ботиб бўлса ҳам дабдабага уринапти. Афсуски, кўп ҳолларда давлат бошқарувидаги амалдорларнинг, тадбиркорларнинг фарзандлари тўқлиққа шўхлик қилишмоқда. Ўртаҳол камбағалнинг боласи эса тўй қилиш учун олган қарзини тўлаш имкони йўқлигидан жанжал чиқиб, ажрашиб кетишяётган ҳоллар ҳам йўқ эмас.

Шундай экан, тўй маросимларини ихчамлаштириб, ҳамма учун бир хил шакл ва тартибга солувчи Низом, тартиб ишлаб чиқилиб жорий қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Аслида, тўй жамиятни ташкил қилувчи оила пойдеворидир. Оила жамият ичидagi жамият ҳисобланади. Шу маънода тўйга оилаб тайёрлик қуриш, интиқлик билан кутуш жараёнида юклатилаётган масъулиятни ҳам унутмаслик даркор.

Тўйга завқланиш, мароқли дам олиш, тўй эгалари қувончига шерик бўлиш учун борамиз. Лекин санъаткорлар ҳам бунни тўғри тушунишса, қошқ эди. Баъзан дабдабали ва қуруқ шовқинли тўйдан кексаларнинг боши оғриб, қон босими кўтарилиб қайтиш ҳолати юз бермоқда. Очиғини айтадиган бўлсак, ҳеч бўлмаса, тўйда жонли ижро қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди. Фонограммани қўйиб даврани алдаб, гўё хониш қилишди. Овоз қучайтиргичнинг гумбурлашидан қўшиқ сўзини англаб бўлмайди, фақат шовқин эшитилади. Ёшлар учун бунинг аҳамияти йўқ.

дир, лекин тўйда ўрта ёшлар ва кексалар ҳам бўлади. Шу боис дастурга мақом қўшиқларни ҳам киритиш зарур. Шу йўл билан ёшларда санъатнинг тожи бўлмиш мақомга меҳр уйғонса, кўнглидагидек бўлади.

Тўй — бу йилит ва қизнинг орзуси ушалган кун, Қадамлари остига пойандоз тўшалган кун. Бахт тилайди уларга дил-дилдан ёру дўстлар, Эзгу ниятин айтиб, қалбини бўшатган кун.

Афсуски, ўзини кўрсатиб, мақтанчоқлик билан тўй қилаётган ўша одамнинг уйда бир донга китоб топиламайди. Уларнинг айримлари фарзандлари камолини ўйлашмайди. Илмли, билимли қилиб, юрт қорига ярашқили бўлишини ороулашмайди. Хунар эгаллаб, Ватанга садоқат билан хизмат қилишни, ватанпарварлик руҳида тарбияланишини ўйлашмайди. Кўпроқ тўйни дабдабали ўтказиб, мақтанишни билишяпти. Уларнинг назарида тўй ҳаётдаги асосий уду. Билмакда, ажримларнинг кўпи шуларга дахлдор.

Кейинги пайтларда исрофга йўл қўйиладиган бошқача тўйни ҳам ўйлаб топилди одамлар. Ҳаж ва Умра зиёратидан қайтган, ош бериб, зиёфат қилиш урфга кирди. Лекин диний китобларда бу ҳақда ҳеч қандай маълумот йўқ. Дин уламолари ҳам бунинг инкор этишади. Юқори табақадаги кишилар (бу сўзни айтишдан чўчимаيمان) йилгиланларнинг ҳар бирига совға-салом улашини айтмайсизми? Хуллас, назаримда, дўппини бошдан олиб, ўйлаб кўрадиган давр келди.

Камхарж, ихчам тўйлар бизга ярашади. Ошиб-тошиб кетаётганлар эса муҳтожларга ёрдам бериб, саховатпешалик қилсалар, эл орасида меҳр-оқибат кучаяр эди.

Тўй орқали оила бунёд этилади. Президентимизнинг “Оила — меҳр ва бахт кўрғони. Оила бор экан, фарзанд деган бебаҳо неъмат бор, инсоний қадр-қиммат ва маънавият бор. Оилавий бахт бу — энг улуг саодатдир”, деган сўзлари ҳар қандай қалбни жунбишга келтиради. Оиланинг бошланғич қадами — тўй. Шундай экан, уни ҳар томонлама маромига келтиришимиз, мазмунан бойитиб, эсда қоладиган ихчам йўлларини топишимиз лозим. Шундай ўтказишимиз керакки, келин-куёвнинг кўнгли бир-бирига чамбарчас болгансин, токи улар орасига раҳна тушишига ўрин қолмасин. Бу борада маҳаллалар ҳам фаоллашиши зарур. Айниқса, кекса отахон-онахонларнинг маҳаллаларда тўй ҳақидаги суҳбатларини бардавом уюштириш яхши натижа беришига ишонаман.

Муқаддас АБДУСАМАТОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, меҳнат фахрийси.

ХИЗМАТ

МЕТРОПОЛИТЕНДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Бугунги кунда дунёда аҳолиси бир неча миллиондан ошган ривожланган шаҳарларни метрополитенсиз тасаввур этиш гоят мушкул. Чунки ҳар қандай гажум шаҳарларда йўловчи ташувчи транспорт воситалари ҳар қанча кўп, замонавий бўлмасин, аҳолининг узогини яқин қилиш учун ҳар томонлама қулай, арзон, сифатли ва хавфсиз бўлган метрополитен каби самарани бера олмайди.

63 дан ортиқ давлатларда 200 дан ошқ метрополитен фаолият юритмоқда. Шу боис йўловчилар ҳаракатланиши вақтида уларнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласи мамлакатимизда Ички ишлар вазирлиги Метрополитенда хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси ходимлари зиммасига юклатилган.

Ходимлар йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бекатларда назорат-кузатув олиб бориш, периметрларни кўриқлаш, метрога

хуқуқбузарни ушлаб, унга ниобатан ваколатлари доирасида қонуний чора кўрадилар. Бироқ метрополитенда йўловчилар хавфсизлигини тўла-тўқис таъминлаш учун бунинг ўзи камлик қилади. Ҳозирги кунда хавфсизлигини таъминлаш йўналишида дунё метрополитенлари тажрибасидан фойдаланиб, пойтахтимиз метрополитенда ҳам янги техника ва технологиялар жорий этилиши хуқуқбузарликларнинг камайишига хизмат қилмоқда.

Инсон ақлини ҳайратга соладиган рақамли технологиялар метрополитенда бўлган ҳар қандай қидирувдаги шахсни аниқлай олади ва унга оид барча маълумотларни тақдим этади. Шу боис турли тоифадаги хуқуқбузарлар, қидирувдаги шахслар метрополитен бекатлари, бино ва иншоотларида ўрнатилган замонавий кузатув камералари нигоҳидан қочиб қутула олмайди. Аммо метрополитенда жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашнинг оптимал ечимларини ишлаб чиқишда инсон омилнинг ролини ҳам камситиб бўлмайди. Чунки замонавий “ақлли” технологияларнинг бошқарувчилари ўз-ўзидан инсон ва унинг интеллектуал салоҳияти ҳисобланади. Албатта, ички ишлар соҳасида энг замонавий технологиялардан маҳорат билан фойдалана оладиган иқтидорли кадрлар тайёрлаш масаласи ҳам замон талабидир.

Аброр ГҶЛОМЖОНОВ,
Тошкент метрополитени хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси ходими.



XX асрнинг бошлариданоқ дунёнинг йирик мамлакатлари пойтахтлари ва аҳоли гажум шаҳарларида метрополитенлар қурилиши авж олиб кетди ва бугунги кунга келиб

қираётган йўловчилар ва уларнинг нарса ва ашёлари, қўл юкларини кўздан кечириш, тезкор-қидирув ишларини олиб бориш орқали хуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлайдилар,

ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ



10 ДОНА “ТАБЛЕТКА” ВА ЙИЛ

Баҳорнинг салқин тунларидан бири. Пойтахт аҳолисининг аксарияти ширин уйқуда, аммо 22 ёшли йигит гиёҳванд моддани олиш учун “Собат” русумли автоуловга ўтириб, шаҳар ташқарисига йўл олган. Содиқ Ярашев (исм-фамилияси ўзгартирилган) белгиланган жойдан “таблетка”ни олаётган вақтида хуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланди.

Маълум бўлишича, у ижтимоий тармоқ орқали 2 нафар шериги билан оғу савдоси билан шуғулланиш ҳақида ёзишма қилган. Дастлаб 10 дона “таблетка”ни етти ярим АҚШ долларга сотган. “Сотувчи” 1 грамм кучли таъсир қилувчи гиёҳванд моддасини 60 долларга пуллаш ҳақида билдириб, кучли таъсир қилувчи пси-

хотроп дори қўйилган манзил локациясини ташлаган. Суд экспертизаси хулосасига кўра, Содиқ Ярашевдан олинган дори воситалари кучли таъсир қилувчи гиёҳвандлик воситалари эканини аниқланган. Шу ўринда Содиқ Ярашевнинг таржимаи ҳолига назар солсак: у ўрта маълумотли бўлиб, вақтинча ишсиз. 22 яшар йигит муқаддам ўғрилиқ ва фирибгарлик учун жиноий жавобгарликка тортилган. Бироқ бундан тегшли хулоса чиқармаган. Бу гал икки нафар шериги билан яна жиноятга қўл ўрди. Мазкур жиноий иш судда атрофлича кўриб чиқилди.

Судда Содиқ Ярашев айбига иқдор бўлиб, қилган ишдан пушаймонлигини билдирди. Айтиш керакки, Содиқ бу дорилар олди-сотдиси қонунга биноан тақиқланганини билса-да, даромад топиш мақсадида навбатдаги “ов”га чиққан. Суд Содиқ

Ярашев содир этган жиноятни оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолаб, жазо тайинлади.

Суднинг ҳукми билан Содиқ Ярашев 10 йил муддатга, унинг 2 нафар шеригининг ҳар бири эса 4 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Қилмиши қора кимсалар ҳозирги кунда қамқода жазо муддатини ўтамоқда. Нима дейсиз, аини ўйнаб-қуладиган, ўқийдиган ёки ишлайдиган даврда уларнинг ҳаёт тарзи бутунлай бошқача ўзан сари кетди. Ҳаммасига ўзлари, оиласидагилар айбдор. Енгил-елпи ҳаёт кечириб орзуси уларни шу қўйга солди. Бу қинғир йўл, қора қисмат енгил-елпи ҳаётни қўзлаб юрганларга сабоқ бўлиши керак.

Баҳодир ҚАЮМОВ,
жиноят ишлари бўйича Яққасарой туман судининг судьяси.

СИЙРАТ

МЕҲРИБОН УСТОЗ

Ўзбек маънавият дунёсида кўп қатори яна бир одам бор. Катта адиб, катта журналист, ташкилотчи, кўплаб китоблар муаллифи, сахна асарлари эгаси, тиниб-тинчимас, ёр-биродар, устоз-шоғирдларига ғамхўр, давлатимизнинг энг муқташам даргоҳларидан тортиб, кўплаб газета-журналларда ишлаган, аксарият раҳбар бўлган, жамоатчилик фаолияти ҳам ўта ибратли, ўта самимий, дўст-ёрларга меҳрибон бир инсон бор. Аслида бундайлар кўп, лекин бу кишим алоҳида, ўзига хос, бировга ўхшамайдиган. Ёши саксондан ошганига ҳам анча бўлди. Ҳамон тетик, сезгир, сўрашганда қўлинг қисирлаб кетади. Тополмадингиз-а? Тўғри, бундай кишилар кўп-ку, дорсиз, лекин бу инсон чиндан ҳам бошқача, ўзига хос! Яна бир сирни очаман: ҳамма билан "Меҳрибон" деб сўрашадилар, мурожаат қиладилар.

Ҳа, энди топдингиз.

Бу инсон кўплаб аҳли ижоднинг дўсти, акаси, устози — Тўлқин Муҳиддин (Қозқобоев). "Мен 1940 йил 28 ноябрда Тошкент шаҳрининг "Эски шаҳар" қисмида таваллуд топганман, — деб ёзади муаллиф ўз хотираларида. — Хонадонимизда бувим (дадамнинг оналари) Сурмадоним, адажоним Муҳиддин ота, онажоним Лазоқатхон, отамнинг укалари Мўминжон амаким билан яшардик. Отам Марғилонда 1911 йили туғилган экан. Улғайиб, иш юзасидан Тошкентга кўчиб келишган. 1939 йили 16 ёшли онажонимга уйлانганлар. Ушанда онамнинг ҳужжати 18 ёшга ўзгартириб, 27 ёшли отамга турмушга чиқаришган экан. Ушанда отам Тошкент шаҳар Матбуот жамаияти раиси бўлганлар. Шу орада Иккинчи жаҳон уруши бошланган. Отам урушга сафарбар қилинган. Хайрлашаётган онажонимга: "Мен ўзоғи билан 1 йилда қайтаман. Агар қайтмасам, тақдир-да, ўғлим отасиз, ярим етим ўсмасин, сизнинг турмушга қиқшингизга рухсат" деган эканлар. Шунда онажоним йиғлаб, отамнинг елкаларига бош қўйиб: "Ундай деманг, қанча бўлса кутаман", — деган эканлар.

(Тўғриси, мана шу жойга келганда нафасим ичимга тикилиб қолди. Мана сизга ўзбек аёлининг мардлиги, вафоси!)

1943 йилгача отамдан хат келиб турган. Кейин "М.Қазакбаев бедарак йўқолган" деган шум нома келибди. Онажоним отамни 2009 йилгача 69 йил кутганлар. Менинг куним битиб, боқий дунёга кетсам, жанозани отанг билан менга бирга ўқит дердилар... Васиятларини бажо келтирдик.

Қизиқ, баъзан қийинчилик, етимлик кўрганлар тиришқоқ, дадил, мустақил бўлиб улғайишади. Ҳаёт учун, келажак учун курашга эртароқ чоғланишади. Қажрамонимиз ҳам шундай. Сиртдан бўлса-да, икки университет, бир институтни тугатиб, учта диплом олади. Жур-



налистлар уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси ва ҳатто Театр арбоблари уюшмаларига аъзо бўлдилар.

Энг қизиғи, энг эътиборлиси ва эътирофлиси, менинг назаримда, ўндан ортиқ газета ва журналларга бош муҳаррирлик қилганларидир. Мен ҳам шу соҳанинг ичида бўлганим учун буни уникал ҳодиса деб баралла айта оламан. Назаримда, бунақаси бўлмаган! Қўйил қолмасдан илож йўқ.

Энди бунинг орасида яна сиёсий жараёнларда ҳам фаол бўлдилар. Партия-совет ташкилотларида ишлаганлар, Марказкумнинг тузини ичганлар, мафкура соҳасида етакчилардан бўлганлар. Ҳар ҳолда, бу мактаблар ҳам мафкурасидан қатъи назар, кишини тарбиялайди, чиниқтиради, босим билан ишлашга ўргатади, муомала маданиятини, субординация, кези келса, қатъий чоралар қўриш, пишшиқ-пукталikka ўргатади.

Яна мен билганим, уларнинг "Қалби касбига монанд дўстлар давраси" деб номланган дўстлар ойда бир учрашиб турадиган қадрдонлар давраси, гап-гаштаги бўларди. Бу даврани 25-30 йилдан бери билардим. Ёшлари ўтиб, сийрақлашиб, кейинги 1-2 йилда тўхтаб қолибди.

— Бу ёғи телефон базм, телефон гаштак, деди

устоз ғалати бир хўрсиниқ билан, юрагидан бир нима зулиб кетгандек бўлиб. "Майли, бизнинг ўтиришларга сизини фахрий қилиб қўшиб оламиз", дедим ҳарна вазиятни юмшатиш учун. Оқсоқол бир нима бўлди-ю, ҳалқумига бир нима тикилгандай туриб қолди. Сезилар-сезилмас кўзларига ёш келгандай бўлди.

...Тўлқин ака билан биз "Ёш ленинчи" (ҳозирги "Ёшлар овози") газетасида танишганмиз. Ўқишни битириб, йўлланма билан радиога ишга келгандим. Умуман радиони билмадим, тушунмадим. 5 йил талабалик даврим ёшлар газетасида ўтгандаки. Бунинг устига, овозим сал гўлдиргандаки, микрофonga гапириб, кейин радиода эшитсам, ўзим ҳам нима деганини тушунмасдим. Лекин эшиттиришлар матнини яхши эзгардим. Тажрибали дикторлар ўқий бошлашди. Ҳатто буюк Қодир Маҳсумов ҳам 1-2 радиоинсценировкаларимни ўқиган. Ушанда ёш бўлганмиз, ҳозир нега ўшаларни магнит лентасига ёзиб, ўзим учун олиб қолмаганман деб афсусланаман. Хуллас, радиодаги раҳбарларимдан бўлган тажрибали устоз Саидқабар Саидолимов бир кун мени алоҳида тўхтатиб, шундай деди:

— Ишларингизга эътироз йўқ, фақат бу ер сизнинг жойингиз эмаслигидан бироз қийна-

ляяспиз. Хоҳласангиз, ўзингиз доим амалиёт ўтказган ёшлар газетаси раҳбарияти билан гаплашаман, сизнинг жойингиз ўша ерда...

Шу йўсин Тўлқин аканинг қўлига келиб қолгандим (лекин ҳали ҳам радиони яхши кўраман. Жуда кўп дўстлар орттирганман. Зур футбол жамоамиз ҳам бўларди).

Газетада Тўлқин ака билан кўп ишлолмадик. Ака кўтарилиб кетдилар. Лекин кўп кўришардик. Бизни энди футбол бирлаштирарди. Бизнинг "Ижодкор" командамиз бор эди. Ўзим уч ташкилотчиларининг бири эдим. Хуршид Дўстмуҳаммад, Алишер Мадраҳимов, Абдор Имомхўжаев, Мирза Абдуллаев (кўплари эсимдан чиқиб кетибди), Муҳаммаджон Аҳмедов (раҳматли), Машхур Маъмур Назаров дарвозада. Ҳатто вилоятларга ҳам чиқиб футбол ўйнар, санъаткорларни олиб бориб, концертлар ҳам уюштирардик. Тўлқин аканинг "Тонг" командаси бор эди. Унда ўзлари тенг раҳбар, ижодкорлардан иборат эди. Энг эсда қоларлиси, бир гал тарихий воқеа юз берди: бу икки жамоанинг ўйини "Пахтакор" марказий стадионида ўтган. Орасида концерт, машхур артистларни чақирганмиз. Ҳақиқий байрам бўлган. Шунда Тўлқин ака ғалати иш қилганлар. Бир тайм "Тонг"да, бир тайм "Ижодкор"да ўйнаганлар. Бир-иккита "ақлилар" ҳайрон бўлганда, ўзлари бир оғиз гап билан ҳаммасини тинчи-тиб қўйганлар.

— Мен ўзим асли "Тонг"данман. Лекин ижодкорман. Шу соҳада ишладим, яна келиб ишлардим. Нима гапинлар бор? — дағдага эмас-у, қатъий оҳангда гапиришни ҳам қўйардилар. Баъзан шу кичкинагина, иччам гавадада шунча ваҳожат борлигидан ҳам кўрқиб кетасиз, ҳам тан берворасиз.

Тиниб-тинчимас бу одам тиниб-тинчидиган улғў ёшда ҳам тиниб-тинчимади. (Бу қайтариқ эмас, бу ургў!) Бор бўлсинлар!

Китоблар, эсдаликлар, хотиралар ёзишларини билардим. Лекин ака ёзган китобларнинг қатор-қатор, ичида ҳатто "ёстиқдайларни" ҳам кўриб, қойил қолдим. Мана, мен билганларим "Қалби касбига монанд дўстлар давраси", "Меҳрибонларим", "Номардни ҳам мардга айланттирган устозлар" (эсселар), "Учмас битиклар" каби хотира, эсселар, "Саодатнинг жасорати" деб номланган улкан, 40 та драмадан иборат китоби, "Икки ўт орасида" қисса ва ҳикоялари... Очиғини айтсам: уларнинг ҳаммасини ҳали ўқиб чиқа олганим йўқ. Балки шунда яна мавзуга қайтармиз.

Сўна сўз ўрнида:

Устоз, ҳорманг, сиз ҳаммиза бизга ўрناق эдингиз!

Ҳатто, айниқса, ҳозир!

Умрингиз узоқ бўлсин!

Хабарим бор, янгамиз билан муборак ҳаж зиёратига бориб келдингиз. Қўша қариб, юзлардан ошиб юринг!

Ахрор АХМЕДОВ,
"Шарқ" НМАК бош муҳаррири.



ДИЛ СЎЗИ

"Ибратли оила" кўкрак нишонини олиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Айниқса, ишлайдиган аёлларга бу борада кўпийроқ кечади. Мен билганларим, аниқроғи дугоналарим орасида фақат биргина Ойсара Дадаева шу эътирофга лойиқ қўрилган. У ҳақиқий ибратли оиланинг муносиб бекаси. Ишда ҳам, оилада ҳам ҳурмат-эътиборга эга аёл. Ойсара ҳар томонлама намунали умр йўлига эга. Турмуш ўртоғини "Ҳазрат, Ҳазратим!" деб муомала қилиши кўпинча биз дугоналари ўртасида аскияга сабаб бўлса-да, бунда катта ҳурмат ва эҳтиром маъноси мужассам.

Умр йўлдоши Абдумалик ака оилада 11 фарзанднинг иккинчиси, 9 ўғилнинг энг каттаси. Ойсара — қайнонасининг тўнғич келини. Ўтган йили унинг оиласи тўғрисида қўрсатув тайёрлагандик. Қайнонаси гапирди. У қайнонасини мактади. Хуллас, аҳил оила кўриниши ёрқин ҳолда намоён бўлди. Эфритдан бироз вақт ўтиб, дугонам кўнгирак қилди.

— Вой, мен қайнонапарвар бўлмай кетай, фақат қайнона-қайнотамни эслабман-у, ўтиб кетишган ота-онами бир оғиз тилга олмабман. Кўрганлар сўрашганидан кейин ўйлаб қолдим, — деса бўладими?

— Шундоғам уларнинг руҳи шод. Сизнинг бугунги роҳатингизни кўриб руҳларини шод бўлса керак, — дедим.

Чунки отасининг вафотидан кейин онаси 9 фарзанд билан ёлғиз қолса-да, мактабда ошпаз бўлиб ишлаб, уларни вояга етказиб, ўқитди. Маошнинг қарзга тўлаб, кейинги ойликкача яна қарзга кун кўришганини Ойсара тез-тез эслаб, гапириб беради. Бир кун омак қилмоқчи бўлиб қараганида, уйда ҳеч нарса қолмаганидан пахта ёғига пиёзни қовуриб, қотган нонни буктириб, овқат қилади. Шу пайт ораси ва почаси меҳмонга келиб қолишади. Ёшгина Ойсаранинг фаросати ва кўли ширинлигини роса мактаб, овқатдан тановул қилишади. Ҳатто улар уйда масаллик йўқлигидан шундай қилганини ҳам пайқашмайдилар. Шундай. Ойсара йўқдан бор қилишни ёшлигидан ўрганган.

Вақт ўтиб, турмушга чиқди. Кетидан овсинлар тушди. Катта ўғил Абдумалик оиласи билан ўзи туғилиб ўсган Урта Чирчиқ туманидаги Ақмал қишлоғидан ишлайдиган жойи — Олмалик шахрига кўп қаватли уйга қўчишди. Ҳар яқшанба кун қайнона ва қайногани йўқлаб келиш одатга айланди. Албатта, имкон қадар кўли-кўнжи тўлиб келишга интилишарди. Иссик

жон, бир дам олиш кун қишлоққа келишнинг имкони бўлмай қолди. Шунда кейинги ҳафтадаги катта бир тадбирда кўпчилик орасида қайнона катта келинига, яъни Ойсарага писанда билан гапира бошлади. Келин хижолатлик билан:

— Мазам бўлмади, — дея олди, холос.

Қайнона қайнаб кетса, денг:

— Сен келмасанг, ўғлимни юборсанг бўлар-

йишди. Бир оғиз кечирим билан ҳаммаси изига тушиб кетди. Ўша пайт қайнонамнинг қўли меҳри товланиб, бағрига босишини кўрсангиз эди...

Ана шунақа! Дунёдаги энг рисоладаги аёл нечта бўлса, Ойсара — биттаси. Тўғриси, шундай курсдошим, яқин қадрдоним бўлганидан мамнун бўламан. Баъзан бил-лик-билмай гапириб қўйишимиз ҳам бор



ди-ку! Шунга ақлинг етмадими?..

Бир уй одам сукунатда қайнона-келин можаросини кузатиб, жим бўлиб қолишди. Шунда келин шартта туриб, қайнонанинг оёқ томониغا ўтириб, бош эгиб: "Мени кечиринг, ойижон! Ёшлиқ қилдим. Ақлим етмабди, кечиринг, бошқа бундай қилмайман!" — деди. Бундай жавобни ҳатто қайнонаси ҳам кутмаганди. Шартта келинини бағрига босиб: "Оёғингга иссик қиймабсан-у, қизим, иссик чой ичиб ол, совуқ қотиб кетибсан!..." — дея меҳрибонлик кўрсатди...

Мана сизга муомала! "Яхши гап билан илон изидан, ёмон гап билан пичоқ қинидан чиқади", дейишлари бежиз эмас-да. Ойсара шу воқеани эслаганида бироз ўқинч, ҳам гурур билан қаддини тик тутайди.

"Ушанда нима сизга далда берди? Нега бунақа деб кечирим сўрадингиз?" — десақ, у: "Менинг қизларим ҳам келин бўлади. Дуо олиш яхши. Опаларим ҳам: "Ҳозир жанжал бўлиб кетмаса эди", деб тургандик", де-

лабчанлик қилди. Лекин уриб, сўкмади. Болалари шунга ўрганишди. Ҳар бир сўзини қонун библишади. Ҳозир ҳаммаси ўқимишли, олий маълумотли. Камола ва Нурсора — журналист, Абдухамид — юрист, Уғлилой — шифокор. 7 нафар набиранинг меҳрибон бувижониси сифатида Ойсара уларга парвона.

Унинг ишдаги, жамиятдаги фаоллиги ҳам эътиборга лойиқ. "Олмалик кон-металлур-

лабчанлик қилди. Лекин уриб, сўкмади. Болалари шунга ўрганишди. Ҳар бир сўзини қонун библишади. Ҳозир ҳаммаси ўқимишли, олий маълумотли. Камола ва Нурсора — журналист, Абдухамид — юрист, Уғлилой — шифокор. 7 нафар набиранинг меҳрибон бувижониси сифатида Ойсара уларга парвона.

Унинг ишдаги, жамиятдаги фаоллиги ҳам эътиборга лойиқ. "Олмалик кон-металлур-

лабчанлик қилди. Лекин уриб, сўкмади. Болалари шунга ўрганишди. Ҳар бир сўзини қонун библишади. Ҳозир ҳаммаси ўқимишли, олий маълумотли. Камола ва Нурсора — журналист, Абдухамид — юрист, Уғлилой — шифокор. 7 нафар набиранинг меҳрибон бувижониси сифатида Ойсара уларга парвона.

Унинг ишдаги, жамиятдаги фаоллиги ҳам эътиборга лойиқ. "Олмалик кон-металлур-

лабчанлик қилди. Лекин уриб, сўкмади. Болалари шунга ўрганишди. Ҳар бир сўзини қонун библишади. Ҳозир ҳаммаси ўқимишли, олий маълумотли. Камола ва Нурсора — журналист, Абдухамид — юрист, Уғлилой — шифокор. 7 нафар набиранинг меҳрибон бувижониси сифатида Ойсара уларга парвона.

Унинг ишдаги, жамиятдаги фаоллиги ҳам эътиборга лойиқ. "Олмалик кон-металлур-

лабчанлик қилди. Лекин уриб, сўкмади. Болалари шунга ўрганишди. Ҳар бир сўзини қонун библишади. Ҳозир ҳаммаси ўқимишли, олий маълумотли. Камола ва Нурсора — журналист, Абдухамид — юрист, Уғлилой — шифокор. 7 нафар набиранинг меҳрибон бувижониси сифатида Ойсара уларга парвона.

Унинг ишдаги, жамиятдаги фаоллиги ҳам эътиборга лойиқ. "Олмалик кон-металлур-

лабчанлик қилди. Лекин уриб, сўкмади. Болалари шунга ўрганишди. Ҳар бир сўзини қонун библишади. Ҳозир ҳаммаси ўқимишли, олий маълумотли. Камола ва Нурсора — журналист, Абдухамид — юрист, Уғлилой — шифокор. 7 нафар набиранинг меҳрибон бувижониси сифатида Ойсара уларга парвона.

Унинг ишдаги, жамиятдаги фаоллиги ҳам эътиборга лойиқ. "Олмалик кон-металлур-

лабчанлик қилди. Лекин уриб, сўкмади. Болалари шунга ўрганишди. Ҳар бир сўзини қонун библишади. Ҳозир ҳаммаси ўқимишли, олий маълумотли. Камола ва Нурсора — журналист, Абдухамид — юрист, Уғлилой — шифокор. 7 нафар набиранинг меҳрибон бувижониси сифатида Ойсара уларга парвона.

Унинг ишдаги, жамиятдаги фаоллиги ҳам эътиборга лойиқ. "Олмалик кон-металлур-

лабчанлик қилди. Лекин уриб, сўкмади. Болалари шунга ўрганишди. Ҳар бир сўзини қонун библишади. Ҳозир ҳаммаси ўқимишли, олий маълумотли. Камола ва Нурсора — журналист, Абдухамид — юрист, Уғлилой — шифокор. 7 нафар набиранинг меҳрибон бувижониси сифатида Ойсара уларга парвона.

Унинг ишдаги, жамиятдаги фаоллиги ҳам эътиборга лойиқ. "Олмалик кон-металлур-

лабчанлик қилди. Лекин уриб, сўкмади. Болалари шунга ўрганишди. Ҳар бир сўзини қонун библишади. Ҳозир ҳаммаси ўқимишли, олий маълумотли. Камола ва Нурсора — журналист, Абдухамид — юрист, Уғлилой — шифокор. 7 нафар набиранинг меҳрибон бувижониси сифатида Ойсара уларга парвона.

Унинг ишдаги, жамиятдаги фаоллиги ҳам эътиборга лойиқ. "Олмалик кон-металлур-

эрнинг ишдаги ютуқларига сабаб бўлади. "Эрри эр қиладиган ҳам хотин, қаро ер қиладиган ҳам хотин" дейишлари шундан келиб чиққан бўлса, ажаб эмас.

Талабалик кезларимиз биз — дугоналар минг хил орзулар билан яшардик. Ойсара кўп болали бўлиши, ишда, маҳалла-кўй ичида ҳурматга сазовор бўлиб юришни ният қиларди. Мана, бугун унинг ишдаги муваффақиятлари ҳам чакки эмас. Қатор миллий руҳдаги мақоаларини, телекўрсатувларини бирма-бир сана-сак кўп вақт кетади. Фақат битта мисол. Эрак хиянати ҳақидаги мақоласидан кейин бир нотаниш киши келиб, унга дағдага қилади. Ҳатто қўлида пичоқ кўтариб олгани учун шов-шувга сабаб бўлади. Бироқ Ойсара уни танимгани, ёзган мақоласидаги воқеа эса бу шунчаки тасодифий ўхшашлик бўлиб, унга салбий таъсир кўрсатган бўлса, ўзини ойнада кўргандек бўлганини тушунтириб беради. Охири, ўша оила яна қайта тикланиб, оилавий раҳмат айтгани тахририятга келишади. Бу каби воқеалар унинг ижод йўлида кўп учрайди. Энг муҳими, у ўз ижоди орқали ҳам ўқувчини мукамалликка чорлайди, оилавий аҳил-иноқликни тарқий этади. Қисқаси, Ойсара Дадаева журналистик фаолиятда ҳам намунали йўлни босиб ўтмоқда.

Ойсара ҳақида яна узоқ тўхталиш мумкин. Аслида ҳам у шунга лойиқ.

Умр шунчалик тез ўтиб кетарканки, кўз очиб юмгунча ҳам бўлмай... олтимиз ёш! Лекин кўнгли қаримайди деганлари сингари ҳалиям бир-биримизни кўрганда "Қизлар!" дея қақирайдан хузур қиламиз.

Бир кун уйимизда кичик тадбир муносабати билан меҳмонларни жойлаштириш ҳақида гап кетганди.

— Қизларни ҳам қудалар билан ўтказамиз-да, — дедим.

Шунда ўғлим:

— Қайси қизларни? — деб сўради.

— Шу дугоналаримни-да, бошқа ким бўларди?

— Шунчақа демайсизми? Мен жияларингизини, дебман, — деганида ҳаммамиз кулиб юборгандик.

Тўғриси, дугоналарим кўп, лекин қадрдонларим санокли. Улар орасида Ойсара мен учун ойдек сара. Уни кўрганамда олтин давр — талабалик, ёшлик хотиралари ёдимга тушади. У жуда хушчақчақ, кувноқ, ҳар гапингиздан бир кулгили детални топиб, аскияга сабаб бўлувчи хушмуомала аёл. Унинг орзулари ҳали кўп. Ойдан-да ойдан орзулари уни оппоқ манзиллар сари етаклайверади.

Саодат ЎРМОНОВА.



ХАВОДА ОБРАЗ ЯРАТГАН САНЪАТКОР

Ўзбекистон радиоси бош режиссёри бўлган устоз Раҳмат ЖУМАЕВни ёд этиб...

Ўйлаб қарасам, миллий телерадиожурналистиканинг тарихий бир асрлик шонли тарихининг чорак қисмига шерик эканман. Албатта, бу оксоч тарих олдида кўкрак кериб гурурланадиган вақт эмасдир. Лекин мен учун бу давр ҳаётимнинг энг ёрқин, киройи эслашга муносиб палласи; бу ёғи яшалган умрнинг нақ ярми ахир! Шу вақт орасида соҳанинг жуда кўп пиру муришлари билан ёнма-ён ишлаш, даврдаш бўлиш бахти насиб этди.



Телерадиомизда азалдан яхши бир анъана шаклланиб: журналистлар аввал радиого ишга олинади, у ерда обдан тажриба ошириб, журналистиканинг нозик сир-асрорларини ўлаштириб, одамийлик фанидан сабоқ олиб, кейин телевидениега "кўтарилиб" кетдилар. Радиода ҳар доим яхши ижодий муҳит, кучли мактаб бўлган. Радио телевидениедан аввалроқ пайдо бўлгани учунми ё бошқа сабаблари борми, аниқ билмайман, лекин энг зарбдор таълим берган ҳам дастлаб радиода фаолият олиб боришган. Ўлмас Умарбеков, Омон Мухтор, Тоҳир Малик, Усмон Азим, Эркин Аъзам, Пулат Мўмин, Абдусамид Кўчимов, Саъдулла Сиёев, Орзикул Эргаш, Шойим Бутаев, Шукур Қурбон, Одил Икром, Ҳалима Аҳмад, Зебо Мирзо, Фахриёр, Олим Тошбоев, Вафо Файзулло каби шоир-ёзувчиларимиз радиода ижод қилишган. Ғафур Ҳуломдан Абдулла Орифгача, Саид Аҳмад, Шукур Холмирзаевдан Хайридин Султонгача — ҳамма-ҳаммаси ҳали сиёҳи гурич улғурмаган асарларини аввал радиого эшитган. Бу асарларнинг энг биринчи мухлислари радио тингловчилар бўлишган. Яна радионинг буз энтикиб эслайдиган жиҳати — ниҳоятда самимий муҳити ва шундай муҳит бунёдкорлари бўлган бегараз, бетамана инсонларки, бундай ажойиб жамоани яна бошқа бир жойда учратиш махол. Бу ерда ижодни моддий неъматлардан, ўткинчи ҳою ҳаваслардан, ҳатто баъзилари ўзининг ҳаётидан-да афзал билишарди. Мана шундай ижодкорлар ишлайдиган маскан эди радио.

Бу йил радионинг тўйи эмас, маросим етмишвойи телевидениедир. Демак, бу галги олиқшув мақтовнинг ҳаммаси уники бўлмоғи лозим, аслида. Лекин "уна"нинг тўйида "ака"ни ҳам бир сийлаб ўтиш, образли қилиб айтганда, елкасига тўн ёпиш ўзбеклигимизга хос иш.

2000 йил. Ўзбекистон миллий университетининг талабаси эдим. Ўша йили машҳур ёзувчимиз, ўзбек ҳикоячилигининг қояси Шукур Холмирзаевнинг 60 йиллик юбилейи факультетимиз декани, профессор Қозоқбой Иўлдошевнинг жонбоқликлари билан университетда кенг нишонланадиган бўлди. Кундузи расмийроқ анжуман шаклида бошланган тадбир кеч-курун жайдари кўриниш олди. Адабиёт, санъат аҳлининг бари йиғилди. Қизгин гурунлар, ширин хотиралар, юбилянинг шаънига айтилган алқовлар... Буларнинг ҳаммаси, албатта, таомилга кўра, бир пиёла чой билан бўлди. Тун яримлаб қолганда Қозоқбой домла имлаб чакриди-да, ёнидаги инсонга ишора қилиб: "Шу кишини таксига чиқариб, кузатиб келинг", дедилар. Меҳмон иззатли одам эканлигини у кишининг салобати-ю, домла кўлтиқлаб олиб чиқиб, менинг кўлтиғимга узатиб юборганидан фахрлаб турардим. Одоб билан меҳмонни йўл ёқасига — такс тўтас бўладиган ерга бошладим. Меҳмон каминани ҳаяллатмай сўроққа тута бошлади, қаерда ўқийсиз, келажакдаги орзуларини ва қандай касбнинг бошини туттиш ва ҳоказо. Табиийки, сиз ким бўласиз, нима иш қиласиз, каби саволлар беришим одобдан эмаслиги боис сукут сақладим, фақат у кишининг саволларига жавоб бериб турдим. Ниҳоят, камқатнов йўлдан бир таксини тутди. Меҳмон ўриндиққа шартта ўтириди-ю, "ҳайда!" деди. Машина жилишга улғурмай, деразадан бошини чиқариб: "Эй йигит, агар радиода ишлашни истасанг, эртага Госрадиога бор, Раҳмат Жумаев десанг, мени ҳамма танийди", деди ортиқча такаллуфсиз. Радиоережиссуранинг даргаларидан бири, радиопостановкаларнинг пири, радиода яратилган дастлабки сериал асосчиларидан бири Раҳмат Жумаев билан менинг илк танишувим шундай кечган эди. Дарвоқе, эртаси куни мен "Госрадио"га Раҳмат Жумаевни қидириб бормадим. Радиода ишлашни ҳаёлимга ҳам келтирганим йўқ эди. Ўқишни би-тириб, "Тафаккур" журналида ишлаб

лик мумкин эмас. Алишер Навоий, Мавлоно Лутфий, Саққокий, Бобур, Амирий ва ҳоказо мумтоз шоирларимизнинг Раҳмат ака ўқиган ғазаллари радиомиз архивда сақланмоқда. Арузнинг мураккаб қондаларига амал қилинган ҳолда ўқилган бу мумтоз асарлар Раҳмат Жумаевнинг бироз хирқироқ, аммо ниҳоятда ширадор овозини мангуликка муҳрлади, десак, хато бўлмас.

Раҳмат Жумаев аксар истеъдоқларга хос жунунавш одам эди. Ҳар доим ижод оғушида яшарди. Негадир у киши ҳақида ўйлаганимда яна бир ижодкорни қўшиб эслайман. Ёзувчи Шукур Холмирзаев "Дўрмон"даги чайласидан кўпмак чикқиси келавермас, "издиҳомдан тўйган, тўдатуда жойларга бормамай қўйган" (А.Орипов) ижодкорлардан эди. У кишининг ҳамма билан алоқ-чалоқ бўлиб кетавермаслиги, давраларига кўпчиликини доритмаслигини яхши биламиз. Лекин Шукур ака чайлани ёлғизлатиб, атайлаб излаб келадиган одамларидан бири Раҳмат ака эди. Уларнинг феъл-ҳўйларидан ҳам, ижодга муносабатларида ҳам ва яширишдан не маъни, бироз майхўрликларидан ҳам ўхшашлик бор эди.

Бу икки ижодкор ҳақида бир воқеани келтирсам. 2005 йилгача ёзувчилар билан телерадиочиларнинг поликлиникаси битта бўларди. Ҳар йили шу ердан тиббий кўриқдан ўтиб туриш мажбурий саналарди. Бир шифокорнинг қабулига кирган Раҳмат Жумаевга тезда даволаниши кераклиги айтилади. Шунда Раҳмат ака шифокорга миннатдорчилик билдириб, даволанишга ҳам, дори-дармон ичишга ҳам ҳожат у ҳафсаласи йўқлигини қатъий айтиди. Бу гапни эшитиб, шифокор хайратдан қотиб қолади. Раҳмат ака дўхтирнинг таажжубини бошқача тушуниб, даволаниши истамастлигига яна изоҳ бера бошласа, врач унга у кишининг олдин кирган ёзувчи Шукур Холмирзаев ҳам худди шу вақтни айтиб, муолажадан бош торганини айтиди ва баттар хайрати ортиб: "Сизлар эгизак эмасми?" деб сўраган экан. Демак, чинакам дўстлик одамларни эгизакдай бир хил қиларкан-да. Ёки тескариси — руҳиятдаги муштараклик дўстликка сабаб бўлармикан? Ҳарқалай, иккиси мана шундай кўнгли яқин дўст-ошналар эди. Бу дўстликнинг мангу муносабати бўлиб, иккаласидан ҳам-корликда яратилган гўзал радиоасарлар қолди...

90-йилларнинг охири — 2000 йилларнинг бошларида радиого ҳам янги жанрлар, йўналишлар кириб кела бошлади. Радиосериал ва радиомультфильм шундай янгиликлардан эди. ЮНЕСКО билан ҳамкорликда "Ипак йўли" лойиҳаси доирасида радиосериал яратилганидан бўлди. Ушбу илк сериалга радиопостановканинг мактабини яратган Раҳмат Жумаевдан бошқа ижодкор танланмаслиги аниқ эди. Шундай ҳам бўлди. "Ҳар дардиннинг давоси бор" номи билан эфирга узатилган бу сериалда Раҳмат ака нафақат режиссёр сифатида, балки драматург сифатидаги маҳоратини ҳам намоян қилди. Дастлаб сериал сценарийсини ўзи ёзди. Актёрлар ансамблини танлашда, сценарийга ёндашувда яна буюк режиссёрнинг маҳорати, ўзига хос услуби иш берди. Ўткир сюжетларга бой, зиддиятли ҳолатлар, оғриқли муаммолар кўтарилган бу сериалнинг тингловчилари бисёр эди. Хатлар ёғилиб кетар, ҳар ҳафта тингловчиларнинг таассуротлари акс этадиган эшиттиришлар тайёрланарди. Албатта, сериал муваффақиятида Раҳмат Жумаевнинг ҳиссаси алоҳида бўлди. Аммо сериални якунига етказиши кишига насиб этмади. Аввалги беморлик, кейин... умр вафо қилмади. Лекин унга яна бир радиожанрнинг асосчиси бўлиш бахти муяссар бўлди.

Мендан нима қолар: *Икки мисра шеър, Икки сандиқ китоб, Бир уюм тупроқ,* — деб ёзган эди шоир Муҳаммад Юсуф ўз аъмоли, маслагига ишора қилди. Раҳмат Жумаевдан бир этак фарзанд қолмади, катта бойлик, қўшқу қонаҳа ҳам мерос қолгани йўқ. Ундан бир асрлик тарихга эга радиомизнинг "Олтин фонди"ни беэзаб турган олам-жаҳон асарлар қолди. Унинг умри ана шу асарларда, шоғирдларида, яратган улкан мактабда давом этажак.

Икром ЧОРИЕВ, "Mahalla" телерадиоканали директори.



ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ҲАМ, АҚШ ҲАМ ЯРАШИШ ТАРАФДОРИ

Трамп Гренландияни ўз назоратига олишга уринишларини рад этган давлатларга қарши божлар жорий қилишдан воз кечди. Европа Иттифоқига аъзо 27 давлат раҳбарлари ўтган ҳафта Брюсселда ўтган Гренландия бўйича саммитдан сўнг Оқ уй соҳибига нисбатан қарашларини юмшатгани кўзга ташланди.

Оқ уй раҳбари Германия, Буюк Британия, Дания, Нидерландия, Норвегия, Финляндия, Франция ва Швециядан импорт қилинадиган маҳсулотларга 10 фоизлик бож жорий этиш билан таҳдид қилганидан сўнг зудлик билан Европа Иттифоқи саммити чақирилган эди. Мазкур давлатлар АҚШнинг геосиёсий таҳдидлари фонида Гренландияга ўз ҳарбийларини юборган эди.



Америка етакчиси Давосда НАТО раҳбари Рютте билан учрашувда Гренландия бўйича "бўлажак келишув асослари"ни келишиб олиб, божлардан воз кечгач, кескинлик пасайди.

Еврокомиссия раиси Урсула фон дер Ляйен: "Қатъий ва изчил ҳаракат қилиб, вазиятни кескинлаштирмадик, Европа мустақиллигини мустаҳкамлаш учун тобора кўпроқ меҳнат қилишимиз кераклигини англади", деди.

Европа кенгаши раиси Кошта "Европага турмуш тарзи Американикидан фарқ қилди", дея иттифоқчи ва шериклар ўртасидаги муносабатлар хушмуомалалик ва ўзаро ҳурмат асосида қурилиши кераклигини таъкидлади.

Трамп ўз таҳдидларини тўхтамаганида, Европа Иттифоқи энг кескин чораларни қўллашга тайёр бўлармики?

Брюссель жавоб чоралари пакетини тайёрлаб қўйган эди: бу чоралар 93 млрд евролик қўлмадаги Америка товарларига божлар жорий этиш ва мажбуриятга қарши кураш инструментини (АСІ) ишга солишни ўз ичига олганди. "АСІ", жумладан, хорижий компанияларнинг Европа Иттифоқи бозорига киришини чеклаш ва уларнинг инвестицияларини блоклашни назарда тутди.

"Биз зарур бўлган қарши чораларни ишлаб чиққан эдик", деди фон дер Ляйен. Франция "АСІ"дан фойдаланиш тарафдори. Макрон: "Биз босим ёки қўриқтишни эмас, балки ҳурматни афзал кўраемиз", деса, Германия "кескинликдан қочиш"ни истаганини айтган. Охир-оқибат "АСІ"ни ишга тушириш каби оғир қарорни қабул қилишга ҳожат қолмади.

Ноябрь ойида АҚШда Конгрессга оралик сайловлар бўлади. Фонд бозори ҳам божлар билан боғлиқ можаброга асабий муносабат билдиради.

"Бу омиларнинг барчаси ҳам ўз ролини ўйнаган бўлиши мумкин", — деб тан олди фон дер Ляйен.

ЕИ давлатлари етакчилари Трамп билан муносабат борасида ҳамон турли фикрда, эҳтимолий вариантларга тайёр турмоқ лозим, дейди экспертлар.

Трамнинг Рютте билан АҚШ ва Дания ўртасидаги 1951 йилги келишувни қайта қўриб чиқгани тахмин қилинади. Унинг янги тахрири Гренландияда АҚШ қўшинларини жойлаштириш имконини бериши мумкин.

Аброр ХОН.



ЖАНУБИЙ КОРЕЯ УЧУН БОЖЛАР 25 ФОИЗГА ОШИРИЛАДИ

АҚШ президенти Дональд Трамп Жанубий Корея учун автомобиллар, ёғоч ва фармацевтика маҳсулотларига божлар 15 дан 25 фоизгача оширилишини маълум қилди.

Бу қарор Жанубий Корея парламенти 2025 йилда тузилган савдо келишувини маъқулламагани билан изоҳланди. Янги божлар Жанубий Корея автомобиллари, ёғоч ва фармацевтика маҳсулотлари, шунингдек, икки давлат ўртасидаги бошқа савдо товарларига ҳам таъбиқ этилади.

Трам "Жанубий Корея парламенти бизнинг тарихий савдо келишувимизни қабул қилмагани — уларнинг ҳуқуқи", деди ва унинг таъкидлашча, шу сабабли АҚШ ушбу мамлакатдан олиб кириладиган маҳсулотларга божларни оширмоқда.

Икки давлат ўртасидаги савдо келишувига кўра, Жанубий Корея АҚШ иқтисодиётига 350 миллиард доллар инвестиция киритиш мажбуриятини олганди. Ушбу маблағларнинг бир қисми кема қуриш соҳасига йўналтирилиши керак эди. Мазкур ҳужжат 26 ноябрь куни Жанубий Корея Миллий ассамблеясига киритилган ва ҳозирда қўриб чиқилмоқда. У февраль ойида тасдиқланиши мумкин.

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ТАҚИҚЛАНДИ

Франция парламенти томонидан 15 ёшга тўлмаган ўсмирлар учун ижтимоий тармоқларни тақиқлаш тўғрисидаги қонун лойиҳасини маъқулланди. Макроннинг илтимосига биноан ҳужжат тезлаштирилган тартибда қўриб чиқилмоқда, ҳокимият уни февраль ойидаёқ таъбиқ этишга умид қилапти.

Франция Миллий мажлиси (парламентнинг қуйи палатаси) 15 ёшга тўлмаган ўсмирларга ижтимоий тармоқларга киришни тақиқлаш ҳақидаги қонун лойиҳасини маъқуллади. 26 январь, душанба куни кечкурун ҳужжатни қабул қилиш учун 116 нафар депутат овоз берди, 23 нафари қарши чиқди. Энди ҳужжат Сенатга (парламентнинг юқори палатаси) қўриб чиқиш учун юборилди.

Қонун лойиҳасида: "ижтимоий тармоққа кириш 15 ёшгача бўлган вояга етмаганлар учун тақиқланади", деб кўрсатилган.

Бундан ташқари, қонунда 2018 йилда жорий этилган коллежларда — 11-15 ёшли болалар ўқийдиган ўрта мактаб босқичида мобил телефонлардан фойдаланиш тақиқини кенгайтириш тўғрисида таъкидланган. Энди бу тақиқни оқори синфлар (лицейлар)да ҳам қўллаш режалаштирилмоқда.

ҚОЗОҒИСТОН САМОЛЁТЛАРИ ЭРОН УСТИДАН УЧМАЙДИ

Қозоғистон Авиация маъмурияти мамлакат авиакомпанияларига Эрон худуди устидан, шунингдек унинг ҳаво макони ичида ва унга яқин худудларда парвозларни вақтинча амалга оширишни тақиқлади. Бу қарор минтақада парвозлар хавфсизлигига бўлган таҳдидлар қўқайгани фонида қабул қилинган.

Қозоғистон Авиация маъмуриятининг маълум қилишича, қўрилган чоралар профилактик характерга эга бўлиб, йўловчилар ва экипажлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Ҳозирда Қозоғистон авиакомпанияларининг барча рейслари эҳтимолий хавфли худудни четлаб ўтган ҳолда амалга оширилмоқда.

Қайд этилишича, тегишли бўйруқ маъмуриятнинг расмий сайтида эълон қилинган. Чеклов мuddати аниқ белгиланмаган — тақиқ алоҳида кўрсатмагача амал қилади.

Интернет хабарлари асосида Муҳаммадсолдиқ Тўраев тайёрлади.



УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

АНЖУМАН МАВЗУСИ — ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ

“Навоий сув таъминоти” АЖ ҳамда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Навоий вилояти бўлими ҳамкорлигида “2025 йил давомида вилоятда ичимлик ва оқова сув таъминотини яхшилаш борасида амалга оширилган ишлар” юзасидан матбуот анжумани ташкил этилди.



— Навоий вилоятидаги 330 та маҳалладан 201 таси тўлиқ ва 113 таси қисман ичимлик суви билан таъминланган, — деди анжуманда сўзга чиққан “Навоий сув таъминоти” АЖ раҳбари Отабек Зарипов. — Марказлашган ичимлик суви мавжуд бўлмаган маҳаллаларга ташкилотнинг худудий бўлиmlарига қарашли сув ташиш техникаларида тасдиқланган режа-графикларга мувофиқ ичимлик суви етказиб берилмоқда. Давлат дастурлари асосида илк бор ичимлик суви билан таъминланган 3028 нафар истеъмолчи билан шартномалар тузилиб, биллинг базага киритилди. Аҳолига ўз вақтида ва сифатли хизмат кўрсатишни ташкил этиш мақсадида тизимларни профилактик эҳтиёт кўригидан ўтказиш, жорий ва мукаммал таъмирлаш режалари иншоотлар, маҳаллалар, кўчалар кесимида тасдиқлаб олинган.

Шунингдек, корхона масъуллари томонидан ичимлик ва оқова сув хизматларидан юзага келган дебитор қарздорликлар ва уларнинг ундирилиши, ўтказилган рейд тадбирлари натижасида аниқланган ноқонуний ҳолатларнинг бартараф этилиши, ичимлик суви етказиб беришдаги мурожаатларни ўрганиш натижалари хусусида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

— Тадбир жараёнида “Навоий сув таъминоти” АЖ томонидан истеъмолчиларга тезкор ва сифатли хизмат кўрсатишда соҳадаги қатор ўзгариш ва қулайликлар, рақамлаштириш ишлари, тўловларнинг онлайн амалга оширилиши тўғрисида тегишли ахборотга эга бўлиш, — дейди вилоят “Дўстлик байроғи” газетаси мухбири Зебо Қўлиева. — Бу маълумотларни оммавий ахборот воситалари орқали аҳолига етказишимизда муҳим аҳамиятга эга, албатта.

ТРАНСПОРТ ҚАТНОВИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Андижон вилояти бўлими ҳамда вилоят Автомобиль йўллари бош бошқармаси томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари, журналистлар, ахборот хизматлари ҳамда соҳа мутасаддилари иштирокида вилоятда йўл хўжалиги соҳасида амалга оширилган ишлар ва 2026 йилга мўлжалланган истиқболли режалар юзасидан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда вилоятда автомобиль йўлларини куриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш борасида олиб борилган тизимли ислохотлар, эришилган натижалар ҳамда келгуси давр учун белгиланган устувор вазифалар муҳокама қилинди. Жумладан, йўл инфратузилмасини модернизация қилиш, транспорт қатнови хавфсизлигини ошириш, замонавий технологияларни жорий этиш ва аҳолига қулайлик яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Анжуманда бошқарма бошлиғи Мирзохид Нурматов йўл хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида жамоатчиликни тезкор, ҳолис ва шаффоф ахборот билан таъминлашда оммавий ахборот воситалари билан очик ва самарали мулоқот муҳим эканини қайд этди.

Очик мулоқот шаклида ўтган матбуот анжуманида ОАВ вакиллари томонидан йўл курилиши сифати, таъмирлаш ишлари муддати, хавфсизлик чоралари, мурожаатлар билан ишлаш тизими ва истиқболли лойиҳалар юзасидан “Халқ сўзи” газетаси вилоят мухбири Саминжон Ҳусанов, “Vodiy1.uz” сайти муҳаррири Элмурод Эрматов ва бошқа ОАВ вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга соҳа мутасаддиларидан батафсил жавоб олдилар.

ЕТМИШ ЙИЛЛИК УМРГА МУНОСИБ ЭЪТИРОФ

Ўзбек журналистикасида муносиб ўринга эга бўлган тажрибали ижодкор Махфират Атоева қутлуг 70 ёшни қаршилагани муносабати тантанали юбилей маросими ўтказилди.



Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Бухоро вилояти бўлими томонидан ташкил этилган кечада Ёзувчилар уюшмаси вакиллари, “Бухоро” телевидениеси жамоаси, вилоятдаги таниқли журналист ва ижодкорлар иштирок этишди. Тантанали тадбирда сўзга чиққан ҳамкасблар ва шоғирдлар устоз журналистнинг касбига садоқати, инсоний фазилатларини алоҳида эътироф этишди.

Махфират Атоева туман ҳамда республика босма нашрларида самарали фаолият юритган. Қарийб ярим аср давомида матбуот ва маънавият йўлида сидқидилдан хизмат қилган. Айни пайтда у “Ромитаннома” газетаси бош муҳаррири. Юсак ижодий салоҳияти, ўткир қалами билан жамиятга сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда.

Унинг депутатлик фаолияти ҳам оддий инсонлар дардига елкадош экани билан аҳамиятли. “Мўътабар аёл” кўкрак нишони билан тақдирлангани эса унинг меҳнатига берилган юсак баҳодир.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
Ахборот хизмати.

ТЕРАН ИЛДИЗЛАР

ХЎҚАНДИ ЛАТИФ ҲУНАРМАНДЛАРИ

Кўқон қадим-қадимдан “Хўқанди латиф” (“латиф шаҳар”) дея таърифланган, номи етти иқлимга етган, ўзига хос, гўзал, бетакрор ва бекиёс шаҳар. Бу қутлуг заминда не-не улуг зотлар, илму хунар эгалари, олиму уламолар, фозилу фузалолар, шоиру ёзувчилар ва не-не хунарманд усталар-у, не-не куллолар яшаб ўтмаган дейсиз! Аслида, мамлакатимизнинг ҳар бир гўшаси ва ҳар қарич ери азиз, муқаддас. Зеро, азиз ерларда азиз одамлар яшайдилар...

Кўқон тарихини беш қўлда яхши биладиган таниқли тарихчи олим, Кўқон давлат музей-қўриқхонаси илмий ходими Яхёхон ака Дадабоев (Му-



ҳаммад Яхёхон Хўқандий) нинг таъкидлашича, қадимги замонлардан то XX аср бошларигача Кўқонда ганчкорлик, заргарлик, мисгарлик, қоғозгарлик, қўнчилик, маҳсидўзлик, дўппидўзлик, аравасозлик каби 700 дан зиёд касб-хунар турлари мавжуд бўлган. Ана шу касб-хунарлар ичида ёғоч уймакорлиги алоҳида ўрин эгаллаган.

— Ёғоч уймакорлиги бадий хунармандчилик санъатининг энг қадимий турларидан бири ҳисобланади, — дейди Яхёхон ака Дадабоев. — Бунда аввал ёғочга нақш чизилари чизилади, кейин ана шу чизилар бўйлаб ишга киришилади: махсус асбоб-ускуналар ёрдамида нақш-безак берилади. Ҳосил бўлган бўртма шакллар хандасавий (геометрик) ёғоч исмиий (усимликсимон) нақш-таъвирлар дейилади.


Ёғоч уймакорлиги хунарманд-устадан кўп ва хўп қўл меҳнати, нозик дид, аниқлик ва юсак маҳорат талаб қиладиган иш. Ҳар бир безак, нақш-нигор ўзаро уйғун ва ҳамоханг тарзда бўлиши керак, албатта. Кўқонлик машҳур уста Қодиржон Ҳайдаров (1899-1983)нинг невараси Мирзаюнус Умаров айтдики, бадий хунармандчиликда, хусусан, ёғоч уймакорлигида гирх, исмиий, паргари, мадохил каби хилма-хил нақш кўринишлари мавжуд.

— Гирх форсча сўз бўлиб, муаммо, тугун, чиғал маъноларини англатади, — дейди биз билан суҳбатда Мирзаюнус Умаров. — Мадохил араб тилида остона, эшик, кириш-чиқиш жойи деган сўз. Паргари эса циркулнинг шарқча номи.

Маълумотларга кўра, Қодиржон Ҳайдаров ёғоч уймакорлиги бўйича нафақат Кўқонда, балки мамлакатимизда улкан мактаб яратган, ўзидан бой моддий-маънавий мерос қолдирган, юзлаб ва мингглаб шоғирдларни тарбиялаб вояга етказган устоз сифатида кўпчиликка маълум ва машҳур. Бу ҳақда янада кўпроқ ва тўлиқроқ маълумот олишни истасангиз, Муҳаммад Яхёхон Хўқандийнинг 2021 йилда Ғафур Ғуллом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр этилган “Хўқанди латиф хунармандчилиги” асарига мурожаат қилишингиз мумкин. Ушбу асарда таъкидланишича, “Ҳайда-

ровларнинг бобокалонлари асли шахрисабзлик бўлиб, уларнинг барчаси устозда ҳисобланадилар. Боболари Уста Нурмуҳаммад етук дурадгор ва уймакор уста бўлган. У киши ўз хунарини ўғиллари Нажмиддинга ўргатган. Зўр уста бўлиб етишган Нажмиддиннинг доврўғи бутун Урта Осиё бўйлаб тарқалди. 1865 йилда Хўқанд ҳукмдори Сайид Муҳаммад Худоёрхон шаҳарнинг Афғонбоғ мавзесида ёзлик сарой қурдиради. Ёғоч ишларини бажариш учун Шаҳрисабздан уста Нажмиддинни тақлиф қилади. Уста Нажмиддин ўғли Ҳайдарали билан бирга сарой қурилишидаги барча турдаги ёғоч ишларини бажаради...

Уста Қодиржон Ҳайдаров Тошкентдаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейи, Тошкент цирки биноси



лаб турибди. Устоз-шоғирд аънаналари давом этмоқда. Устанинг набиралари Мирзаюнус, Мирзаюнус, Ҳасанжон Умаровлар ҳамда уларнинг фарзандлари Шамсиддин, Жаҳонгир, Отабек, Жамшид, Абдулҳаким, Абдураҳмон, Абдулазиз ва Шаҳобиддинлар, содиқ шоғирдлари Салимжон Эргашев, Абдуғани Абдуллаев, Мансур Жалолов, Набижон Хушназаров, Бурҳон Абдуллаев, Одил Жалолов, Рафиқ Маҳмудов, Иброҳим Содиқов, Исро Каримов, Мурод Абдуллаев ва бошқалар давом эттириб келмоқдалар. Мирзаюнус, Мирзаюнус ва Ҳасанжон Умаровлар Қодиржон Ҳайдаров мактаби ичра ўз мактабларини яратишга муваффақ бўлдилар.

— Сўнгсў ўрнида айтиш жоизки, бугунги кунда ер юзида расман “Хунармандлар шаҳри” мақомини олган 27 та шаҳар бор. Шулардан бири, шубҳасиз, Хўқанди латиф ҳисобланади. Кўқонликлар ўзларининг гўзал, латиф ва бетакрор шаҳри муазамлари билан, меҳнаткаш, меҳмондўст, хушфўл, мард ва олийжаноб одамлари билан ҳақиқи равишда фахрланадилар. Тадбиркорлик, ишбилармонлик, хусусан, хунармандчилик кўқонликларнинг қон-қонига сингиб кетган, десак, асло муболага бўлмас. Бу борада амалга оширилаётган ишлар қўламини тобора кенгайтиб, юксалиб бормоқда. Устоз-шоғирд аъна-

налари давом этмоқда. Зеро, бу ёғур дунёда илм-фани, илму хунар бор экан, устоз-шоғирд аъналарини абадулабад давом эттаверади. Ахир илму хунар — гавҳар ила зар, деган гап...



налари давом этмоқда. Зеро, бу ёғур дунёда илм-фани, илму хунар бор экан, устоз-шоғирд аъналарини абадулабад давом эттаверади. Ахир илму хунар — гавҳар ила зар, деган гап...

Олимжон ДУШАЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси.

МУШОҲАДА

Бугунги авлод нега руҳан толиқмоқда?

Сўнгги йилларда жамиятда бир ҳолат тобора кўзга ташланмоқда: ёшлар ва умуман бугунги авлод орасида руҳий чарчок, стресс ва ички бўшлиқнинг кучайиши. Ҳолбуки, замонавий инсон — билимли, технология билан қуролланган, имкониятлари кенг. Аммо имкониятлар ортгани сари руҳий энгиллик эмас, аксинча, руҳий босим ошаётгандек. Бу муаммо энди алоҳида шахслар доирасидан чиқиб, ижтимоий масалага айланмоқда.

Ҳўш, сабаблар нимада?

Фикримизча, аввало, бу — ахборот босими. Бугунги инсон, айниқса, ёшлар кунига юзлаб хабарлар ва визуал ахборотлар оқими ичида яшамоқда. Бу онгнинг тинимсиз ишлашига ва дам олиш механизмларининг издан чиқишига олиб келади. Иккинчи сабаб — таққослаш босими. Ижтимоий тармоқларда намоийш этилаётган “мукамал ҳаёт”лар ёшларни ўз ҳаёти билан солиштиришга мажбур қилади. Натижада ўзига ишонсизлик, етишмовчилик ҳисси ва ички норозилик кучаяди. Яна бир сабаб — дам олиш маданиятининг йўқолиши. Замонавий ҳаёт суръати тез: ўқиш, иш, ривожланиш,

моддий ташвишлар ва шу каби муаммолар сабаб дам олишга вақт ажратиш камайди. Телефон орқали “дам олиш” эса, аслида, онг учун яна бир юқдир.


Ҳўш, бу муаммоларга қандай ечим топиш мумкин?

Бугунги авлоднинг руҳий толиқишини камайитириш фақат шахсий ҳаракатлар билан чекланмаслиги лозим. Бу масалада жамият, таълим тизими ва медиа ҳам масъулдир. Ёш авлодга ахборотдан онгли фойдаланишни шакллантириш, ижтимоий тармоқларда меъёрни сақлаш ва руҳий саломатликни асрашга кўмаклашиш керак. Стресс ва чарчок пайтида суҳбат орқали қўллаб-қувватлаш муҳим. Шунингдек, ОАВда, ижтимоий тармоқларда реал ҳаёт ва сабр жараёни тасвирланган воқеликни кўпроқ ёритиш зарур.

Бугунги авлоднинг руҳий толиқиши замон синовига ўхшайди. Шу боис жамият ёшларни нафақат натижа ва ютуқлар билан, балки уларнинг руҳий ҳолатини ҳам тушуниб, қўллаб-қувватлаши зарур эмасми?

Зеро, руҳан соғлом авлод барқарор ва соғлом жамиятнинг энг муҳим пойдеворидир.

Дармонжон РУСТАМОВА,
ЎЗМУ талабаси.





НАСР

“СЕН ҚАЁҚДАН БИЛАСАН?..”

— “Ёшлик девони” энди нашрдан чиққан пайтлар, — деб ҳикоя қилган эди Эркин ака. — Мен учун ота мақомида бўлган тоғам Карим Сахобоевнинг уйига бир кунли улфатлари меҳмондорчиликка ййгилишди.

Улфатлар ким десангиз, машҳур уламо, сиёсий арбоб Алихонтўра Соғуний, ака-ука ҳофиз Шожалиловлар, Маъруфхўжа Баҳодиров, шоир Чустий... Ҳаммаси мадраса кўрган эски одамлар. Мен чой ташиб хизмат қилиб турибман.

Бир вақт гап айланиб келиб, “Ёшлик девони”га такалди. Сўхбатдошлар бири олиб, бири қўйиб китобни таърифлай кетишди. Уларнинг ҳаммаси бир фикрда яқдил эди, яъни девонда ишқи илоҳий қуйланган, ёр, дилбар, маъшуқа деганда аввало Худои таоло улуғланган. Бу эса Эркин Воҳидов ижодида мутлақо янги бурилиш бошланганидан далолат берар экан.

Бошида индамасдан, одоб билан чой қўйиб ўтиравердим. Аммо гап чуқурлашгани

сари ташвиш-хавотирим орта бошлади. Нима бўлганда ҳам, партия аъзосиман, комсомол наشريёти бош муҳаррирининг ўринбосариман. Худо кўрсатмасин, агар бу гаплар эртага бирон жойга етиб боргудек бўлса...

Шунинг учун масалага ойдинлик киритмоқчи бўлдим.

— Бу машқлар бир ҳавас, катта баҳо бердинлар, раҳмат, — дедим, — аммо, муаллиф ундай юксак мақсадларни ўз ол-

Хайридин СУЛТОН,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси



Муаллиф ҳақида:

Хайридин СУЛТОН Тошкент вилоятида туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети)нинг журналистика факультетини тугатган.

Адибнинг “Кўёш барчага баробар”, “Бир оқшом эртаги”, “Онамнинг юрти”, “Умр эса ўтмоқда”, “Бобурнинг тушлари”, “Бобурийнома”, “Тўқчилик ва йўқчилик”, “Саодат соҳили”, “Уч юз олтмиш тўрт кун”, “Кўнгил озодадур”, “Одамлардан тинглаб ҳикоя”, “Ялдо кечаси” сингари ўн бешга яқин китоблари чоп этилган.

Ёзувчи киносценарийлари асосида “Чангак”, “Мозийдан бир сарҳифа”, “Меҳробдан чаён”, “Тушларимда кўриб ййғлайман”, “Ёлғиз ёдгорим”, “Улуғ амир ва Донна Мариа” каби фильмлар суратга олинган.

“КОНВОЙ”

“Тафаккур” журнали тахририятида бўлиб ўтаётган бир тадбирда бош муҳаррир Эркин Аъзам даврада иштирок этаётган эр-хотин олимларни мактаб қолди.

— Мен Фалончикон билан Фалончичонга ниҳоятда ҳавас қиламан, қўйил қоламан. Булар институтда ҳам бирга ўқиган, идорада ҳам бирга ишлашди. Шунча йилдан бери аҳил-иноқ бўлиб яшашди. Мен буларни бамисоли Тоҳир-

Зухрога ўхшатаман. Ишга ҳам бирга келишади, тушликка ҳам бирга чиқишади, ишдан ҳам бирга қайтишади...

Турсуной опа бу гапни эшитиб, мийида кулди.

— Айланайин ўзимнинг баҳоси йўқ укамдан, — деди мақталган эрни мактаб, — ишга конвой билан келиб, ишдан конвой билан кетишга ҳар ким ҳам дош беролмайди, ахир.

“НОИНСОФ ДҲХТИР”

Таниқли журналист Аҳмаджон Мелибоев билан бир зиёфатда ёнма-ён ўтириб қолдик. Аҳмаджон ака докторнинг тавсиясига кўра парҳезда экан, дастурхонга кетма-кет келиб турган анвойи таомлардан нафсини тийиб, фақат сув ҳўллаб ўтирдди.

Бир вақт лоладек қип-қизариб пишган, қайноқ сомса тортилди. “Олинг-олинг”, деб ҳарчанд манзират қилишимизга қарамасдан, у киши сомсадан татиб кўришга ҳам унамади. Бошқалар иш-таҳа билан тановул қилишга киришди.

Аҳмаджон ака зиёфат аҳлини зимдан кузатиб турди-турди-да, охири чидаёлмади, лагандан битта сомсани олиб, иккига бўлди. Ҳил-ҳил бўлиб пишган, ичида думба ёғлари қилқиллаб турган сомсанинг буркираган ҳиди иштахани карнай қилиб юборарди.

Аҳмаджон ака бир қўлидаги сомсага, бир ёнидагиларга қаради, кейин ютиниб:

— Ноинсоф дўхтир, шундоқ зўр нарсани ема дейди-я! — деб хўрсинди.

“МАЙДА БУРЖУАЗИЯ КҲЙЧИСИ”

80-йилларнинг охирида нашриётда Муҳаммад Юсуф билан бирга ишладик. Мен — бош муҳаррир, у кишим буюртма нашрлар бўлимининг муҳаррири.

Баъзан шоир кечаси билан ижод қилиб, чарчаганидан бўлса керак, эртаси кунни ишга вақтида келолмасди. Лекин у борми-йўқми — бундан қатъи назар, кабинетнинг эшиги олдида ҳамаша беш-ўнта одам илҳақ бўлиб кутиб ўтирар эди. Мен бу кишиларни нашриётга буюртма асар, яъни ўз ҳисобидан китоб чиқариш учун келган инвестор-муаллифлар, деб ўйлардим ва имкониятни бой бермаслик учун Муҳаммаднинг ўрнига уларни қабул

қилардим. Бироқ ҳар сафар адашган бўлиб чиқардим.

Булар олис-олис вилоятлардан, ҳатто кўшни республикалардан келган, китоб-питоб ёздирган эмас, умуман китоб ўқимайдиган одамлар экани маълум бўларди. Биттаси, масалан, қассоб, яна биттаси дорбоз, учинчиси — проводник, тўртинчиси — боксёр, кейингиси — мантифуруш ва ҳоказо кишилар эди. “Муҳаммаддонда нима ишинлар бор?” деб сўрасам, худди келишиб олгандек, баъзилари “ишим йўқ, ўзим шундоқ бир кўриб кетмоқчи эдим”, деса, яна баъзилари “Маҳаммадон акамга бир чуқум ош

қилиб бермоқчи эдим”, деб жавоб қайтарарди.

Шоир вилоятга сафарга кетган, кутиб ўтирманлар, деб уларни алдаб-суддаб тарқатиб юборсам, эртасига нашриёт йўлагига янги гуруҳ зиёратчилар пайдо бўларди: бири — сартарош, бири — улоқчи, бошқаси — пичоқсоз, кейингиси — ўт ўчирувчи ва ҳоказо. Улар ҳам ўша дард, ўша мақсад билан келган бўларди.

Муҳаммаддон нашриётга қадамранжида қилиб қолган бахтли кунларнинг бирида мен унга ҳазиллашдим:

— Шоир, мухлисларингизга қараб билдим, сиз — “майда буржуазия кўйчиси” экансиз, —

дедим. — Хайриятки, ошкоралик даврида яшаймиз, илгариги замон бўлса, мана шундоқ айб билан урилиб, абжафингиз чиқиб кетарди... Уйдаям шу аҳвол бўлса керак?

Муҳаммаддон индамай турди-да, кейин:

— Подъезддан ўтиб бўлмайди. Гоҳ қаёққа қочиб кетишни ҳам билмайман, — деб ҳасрат қилди.

— Шукур қилинг, дўстим, — дедим унга таскин бериб. — Халқ меҳри ҳаммагана насиб қилавермайди.

— Тўғри, — деди шоир, — фақат шу меҳр дарёси фарқ қилиб юбориши чатоқда.

“Навоий — 30” китобидан.

АЖИБ ДАВРА

Ҳалима биби кечки салқинда дарвозаси олдида чиқиб ўтиришни одат қилган. У хонадондан чиқиб, доимий жойига ўтирдими, сўхбатдошлари ҳам олдинма-кейин келиб атрофига жойлашиб оладилар. Улар келинлар кечки овқатга қақришгунча суҳбатлашиб ўтирадилар. Гурундошлар нафақага чиққан, оила ташвишидан бир қадар тинган бўлсалар-да, уларнинг бари Ҳалима бибидан кичик ва уларнинг ҳеч бири хотиржамликда юзга юзлашаётган бибига тенглашолмайди.

Бугун ҳам одатдагидай давра бўлди. Ҳалима биби қараса, ййилганлар орасида Муяссар йўқ. У барчага савол аломати билан қаради. Сўхбатдошлар бунинг сабабини маълум қилишди. Унинг шаҳардан неваралари келгани, уйдагилари ёзги дала ишларига машғул бўлганликлари учун уларга Муяссар ая қараётганини айтидилар. Кимдир унинг кенжа ўғли жианларини оталарининг қариндошлариникига боришга тўсқинлик қилаётганини ҳам шипшитиб ўтди.

— Нега қўймайди? — ҳеч кимдан садо чиқмагач, Ҳалима биби очик-яширин айбланаётган аёл ҳимоясига ўтди. — Ҳозир ҳамма дала юмушларига ботган. Айниқса, бу йил ўрикнинг йили бўлди. Уларни саранжомлаш осон эмас. Муяссар ўта андишани, ўғли ҳам жуда одобли. Улар бировларни ишдан қўйишни исташмайғандир!

— Сен ўғлингга тўғри тушунтир, невараларинг хоҳлаган пайтларида оталарининг қариндошлариникига бориб келишин. Боришин, улар билан кўришишин. Бунақада эл орасида гап қўяйди, сизларни билиб-билмай айблайдиганлар топилади. Боришин, қандай қарши олинишни уларнинг ўзлари кўриб-билишин. Агар уларга яхши эътибор берилмаса, ўзлари оёқ уишади. Сизларнинг ҳақлигингиз ҳақида ўйлай бошлашади. Бунинг нимаси ёмон?

Бу гап кўпчиликка маъқул бўлди. Муяссар ая бундан мамнун бўлдики ёки хафа бўлдики, ҳеч ким билмасди, у бехос ўрнидан туриб уйи томон кетди. Барча бир-бирига қараб қолди.

Эртасига кечки пайт Муяссар ая келиб даврага қўшилди. У беҳад хурсанд эди, чунки ўғлининг фикрини ўзгартирганди.

Ҳалима биби ўзини унга эътибор бермагандай тўтди. Унинг неваралари ҳақида ҳам бошқа гап очмади.

Даврадошлар бошқа мавзуга кўчдилар.

Бу сафар гурун тамомила бошқача бўлди. Аниқроғи, Соқина аянинг оиласидagi ўрни муҳожимага тортилди.

— Уйига борганимда, унинг ўзини тутишига ҳайрон қоламан, — деди Моҳира ая, — хизматда келини билан жой алмашади. Утирганимда ёстиқни орақанга келини эмас, ўзи қўяди. Ҳам ёстиқсиз ўтирган бўлади. “Ўзингизга ҳам олинг”, дейман хижолат бўлиб. Уйига меҳмон келганда эътибор кўрмаган бир меҳмонга айланган.

— Келинимнинг феъли шунақа, — ўзини оқлашга тўшди Соқина ая, — Менинг келимин баъзи келинлардай меҳмонлар олдида мушук, ёлғиз қолганимда йўлбарс эмас.

— Меҳмонлар олдида сени эъзозламаса, кейинги хўрматдан нима фойда? — бўш келмади Моҳира.

— Иккинчисинг ҳам хатоингиз бор, — онахонларнинг диққатини ўзига тортди Ҳалима биби. — Моҳира, сенинг хатоинг Соқинанинг иззатталаб эмаслигини билмаганимда. Соқина, сеники эса ҳаётда ўз ўринингни топмаганимда. Ота-онанинг келиндан хўрмат кўриши ё кўрмаслиги уларнинг ўзига боғлиқ. Биринчидан, қайнона келин қилиши керак бўлган ишга ўзини урмаслиги лозим; иккинчидан, фарзандларнинг ўзига ҳамиша эътиборли бўлишини талаб қилиши керак. Фарзанд эъзозламаган онани ҳеч қандай келин хўрмат қилмайди. Ҳалима биби мақталади, деманлар-у, мен пенсия олган кунимнинг эртасигаёқ фарзандларимдан бири билан шаҳарга бораман. Харажат халтаси ўғил ё неваранинг қўлида бўлади. Расталар оша юриб, кўнглимга ёққан нарсани олдираман. Кейинги пенсиягача ҳеч нарсага эҳтиёж сезмайман. Биласизлар, қизим шундоқ ёнимда — кўшни хонадонга тушган. Унга фақат ҳар эрталаб сут пишириб келишини тайинлаганман. Кўёвим Ҳамиджон ўғлимдай бўлиб кетган. Ой охирида сут пулини унга бераман. Бошида ранжиган. “Бўлмаса, сутни бошқадан оламан, сизлардан олишимнинг яхши томони — нонушта пайти қизим ёнимда бўлади, дастурхон ёзиб, ўзи ййгиштириб кетади”, дедим. Шундан кейин сутнинг пулини олади-ган бўлди.

— Ҳайҳотдай ховлида ёлғиз яшайсиз, ўғилларнингизнинг турмуши яхши, уларнинг бириники турсан-

Илҳом АҲРОР

гиз бўлмайдим? — Ҳалима бибига қитмирлик қилди Моҳира ая.

— Кетсам, бу ховли хувуллаб қолади. Шу уйданманки, ўғилларим кунда шу ерда. Кейин эрим раҳматлининг руҳи тинчдики, шу ёшда соғ-саломат, тетик юрибман. Орангизда бирорта овқат пиширганимни кўрган борми? Йўқ. Уғилларим, невараларимда машина бор. Телефонда келишиб олишади — бири тушлик келтирса, бошқаси кечки овқатни етказди. Ёнларида ҳамаша хотинлари ё қизлари бўлади. Кейин бемалол, ўзинг хон, кўланган майдон бўлиб юрганга нима етсин?

— Ҳалима бибига ҳамма ҳавас қилади, — деди синик товушда Соқина ая.

— Тўғри айтасиз, ўғил-қизлари умрларидан барака топишсин. Кунда оналарининг ёнида, — уни маъқуллади бир четда индамай турган Муҳина ая.

— Шундай дейсиз-у, беш кўл баравар эмас-да! — бўш келмади Моҳира ая. — Ота-онанинг пенсия олишини кутиб турган фарзандлар ҳам бор. Шундайларнинг бири ҳазиллашган бўлиб деган экан: “Отам ўқитувчилдан пенсияга чиққанлар, онам ишламаганлари учун фақат қариллик нафақаси оладилар. Отанинг пенсиялари онамникидан уч-тўрт баравар кўп. Худо ота-онандан бирини олиши шарт бўлса, олдин отамга тегмасин-да”.

— Бунга ким айбдор, ота-онанинг ўзи эмасми? — жиддий тортди Ҳалима биби. — Пенсия ё нафақасидан фарзандларни фойдаланишига йўл очган кимсалар уларга ёмонлик қилганлардир. Давлат кексаларга пенсияни яхши еб-ичиши, дам олиш масканларига бориши, керак бўлганда даволаниши учун беради, ўғилларнинг уй солиши, тўй-маъракалар ўтказиши учун эмас. Буни, айниқса, кексаларнинг ўзи билиши лозим. Ҳам жигаргўшаларини арпа берилишини кутиб турган қўй-эчкига айлантириб қўймасликлари лозим.

Бу сўзлардан даврадагиларнинг бари неғиз қолганидан мулзам тортди...

ЯНГИ НАШР



“ДАВР ЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА”

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида таниқли устоз журналист Ирисмат Абдухолиқовнинг “Давр журналист нигоҳида” номли китобининг тақдими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда таниқли давлат ва жамоат вакиллари, атоқли шоир ва ёзувчилар, газета ва журналлар бош муҳаррирлари, профессор-ўқитувчилар ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.



Тақдимотни Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Бош директори, сенатор Абдусайд Кўчимов кириш сўзи билан очиб, “Давр журналист нигоҳида” китобида таниқли журналист Ирисмат Абдухолиқовнинг ярим асрдан ортик ижодий фаолияти давомида кўрган-кечирганлари, бевосита иштирок этган муҳим тарихий воқеа-ҳодисалар ҳақидаги хотиралари жамланганини алоҳида таъкидлади ҳамда китоб хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Мазкур китобда муаллиф ўз фаолияти давомида юзма-юз келган, ҳамкорлик қилган, мулоқотга киришган таниш ва нотаниш шахслар образини яратар экан, Ирисмат Абдухолиқов услубига хос бўлган холислик, тиниқлик ва самимийлик яққол намоён бўлади. Хусусан, китобда республикамизни салкам чорак аср бошқарган Шароф Рашидов сиймоси алоҳида хўрмат ва муҳаббат билан тасвирланган.

Мазкур тўпламдан муаллифнинг Ўзбекистондаги деярли барча вилоят, туман ва қишлоқлардан, шунингдек, Вашингтон, Нью-Йорк, Москва, Деҳли, Анқара, Макка ва Мадина шаҳарларидан тайёрлаб, воқеа содир бўлаётган жойдан тўғридан-тўғри эфирга узатган репортажлари матнлари ҳам ўрин олган. Китобга телевидение ва радионинг илмий-назарий асосларига бағишланган мақолалар ҳам киритилган.

— “Ўз соҳасида юксак маъқега эришган, чўққиларни забт этган ҳар бир инсон оддий одам ҳисобланмайди”, — деб ёзган эди машҳур телешоу қироли Ларри Кинг. Ирисмат Абдухолиқов ҳам телерадио муҳбири, дунё кезган халқаро шарҳловчи сифатида улкан ижодий йўлни босиб ўтди, кўплаб ҳамкасбларимиз орзу ҳам қилолмаган мавқееларга эришди, чўққиларни забт этди. Ушбу асар катта-кичик китобхонларни ана шундай марраларга интилишга чорлайди, руҳий қанот бағишлайди, — деди таниқли адиб Хуршид Дўстмуҳаммад.

Китобда тақдим этилган тарихий жараёнларнинг энг қайноқ нуқталаридан тайёрланган ахборотлар, репортаж ва курсатувлар матнлари ўша давр манзараларини кўз ўнгимизда қайта жонлантириши баробарида, журналистиканинг барча соҳалари вакиллари ҳамда талаба-ёшлар учун муҳим ўқув-амалий қўлланма вазифасини ҳам ўтайди.

Ўзгашайиб ЗУЛХАЙДАРОВА.

Аспида, ахвол бундай эмасди. Муяссар шаҳарда турадиган қизининг болаларини ўзисиз биринчи бор қўлиб олиши. Қизи: “Ойи, болаларим ёзги таълини сизникида ўтказишмоқчи, у-бу ишларингизга қарашади. Қишлоқ ҳаётини ҳам бир кўришин”, деганди. Катта невараси синглиси ва укасини олиб келиб, бу-висига топшириб кетди. Синглиси бўйига етган қиз, бу йил ўнинчи синфга, укаси эса саккизга ўтди.

Муяссарнинг неваралари бир қишлоқда истиқомат қиладиган оталарининг ака-укалари ва аммаларининг уйига боришларини айтганлари, аммо кенжа ўғли бунга қатъиян қарши эканлиги ўйлантирганди. Ҳалима биби: “Амманг, амакиларинг келганингизни аллақачон эшитишган, нега сизларни кўргани ўзлари келишмайди? Нима, келсалар, ҳайдаб юборамизми?” дея жианларини ниятларидан қайтармоқчи бўларди. Аспида, ўғилнинг эътирозидан жон бор эди. Муяссар аянинг лозими йўллар олдин Россияга ишга кетиб, қайтмаган. Узунқулоқ гапларга қараганда, ўша ерда бошқа оила кўрган. Шу-шу кудалар орасида борди-келиди узилган. Амма-ю амакилар шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги масофа, қолаверса, тирикчиликни ваҳ қилиб, қадамларини узишган. Ҳозир жианларининг улғайиб, қандай қиёфа олганликларини билишмасди ҳам.

Хуллас, тоға билан жианлар орасидаги мижоза телефон орқали шаҳарда қолган онага етиб бориб: “Бунинг билан тоғаларингга кулоқ солинлар”, деган қаттиқ танбех эшитилганларидан кейин барҳам топди. Аммо қовоқлари осилди.

— Кимдир бориб, Муяссарни қақриб келсин, — кутилмаганда кўпчиликка мурожаат қилди Ҳалима биби.

Кўп ўтмай даврада Муяссар ая ҳозир бўлди. Кўриниши, барча билан хижолатомуз сўрашишдан унинг ҳоли даврадагиларга маълум бўлган ахволда эканлиги сезилди.

Ҳалима биби дилидаги гапни яшириб ўтирмади:



Муаллиф ҳақида:
Илҳом АҲРОР Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида туғилган.
Илк шеърини туркуми “Ёшлик” альманахида 1981 йилда эълон қилинган. Бугунгача ижодкорнинг “Тадорик”, “Тонги кўриқлайман”, “Гулчин чиройлар”, “Уй-қўга кўнжикан тоғлар” номли шеърини тўпламлари, “Бозорга юзланган бола” ҳикоялар китоби ҳамда “Етти иқлим достони”, “Қалбни яшириб бўлмайди”, “Ўз кўнглининг мусававри” илмий-маърифий рисоалари нашр этилган.
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Филология фанлари номзоди.

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯ

НУСҚАСIZ МУЛОҚОП САРИ

Сўнги йилларда сунъий интеллект (СИ) ҳақидаги шов-шувли муҳокамаларнинг ўрнини аниқ ижтимоий лойиҳалар эгалламоқда. Чунки СИ энди назарий модель эмас, балки инсон имкониятларини тўлдирувчи ва жамиятдаги тўсиқларни бартараф этувчи кучли восита сифатида қаралмоқда. Хусусан, эшитиш ва гапирish қобилиятида нуқсон бўлган шахслар учун мулоқотни осонлаштириш бўлганги технологик ривожланишнинг марказида турибди.



ларни таний олишга йўналтирилган. Имо-ишора тилини матнга ёки нутққа ўтириш ("Sign-to-Text/Speech") жараёни замонавий сунъий интеллект ва компьютерда кўриш соҳаларининг энг мураккаб ва ижтимоий аҳамиятга эга йўналишларидан бири ҳисобланади. У камерадан олинган видеотасвирларни реал вақт режимида семантик маънога эга бўлган тил бирликларига айлантиришни кўзда тутади.

Бу ёндашувнинг техник асоси инсон ҳаракатларини таҳлил қилишга таянади ва визуал маълумотларни йиғиш жараёнида оддий "RGB" камералардан фойдала-

ниш тизимнинг оммабоплигини таъминлайди. Ёритиш даражаси, фон шовқинлари ва кийим рангининг тасвир билан уйғунлашиб кетиши каби муаммолар алгоритмларнинг аниқлигига сезиларли таъсир кўрсатади. Дастлабки ишлов бериш босқичида тасвирдаги фойдаланувчи танасининг ҳолати нормализация қилинади ва "MediaPipe" кутубхонаси ёрдамида ҳар бир кўл учун 21 та асосий таянч нуқтаси (ландмарк) аниқланиб, уларнинг "x", "y", "z" координаталари орқали скелет модели яратилади. Бу тизимга бутун бошли видеони эмас, балки фақатгина рақамли координаталар кетма-кетлигини таҳлил қилиш имконини беради.


Шу билан бирга, имо-ишораларни таснифлашда статик ("fingerspelling") ва динамик (сўз ва гаплар) ҳаракатлар фарқланади. Бунда статик ишораларни аниқлашда "Convolutional Neural Networks" (CNN) модели 98 фоизгача аниқликни кўрсатса, вақт давомида ўзгариб турадиган динамик ҳаракатларни қайта ишлаш учун "Long Short-Term Memory" (LSTM) ва "Gated Recurrent Units" (GRU) каби рекуррент нейрон тармоқлари қўлланилади. Чунки бу моделлар ҳар бир кадрни олдинги кадрлар билан мантикий боғлаш хусусиятига эга. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, фақатгина кўл ҳаракатларига таяниш ҳар доим ҳам кутилган натижани бермайди. Бинобарин, имо-ишора тилининг тўлақонли маъноси юз минмикаси ("eyebrow movement"), лаб ҳаракати ва тана ҳолати ("pose estimation") каби нон-мануал хусусиятлар ("NMFs") орқали шаклланади. Бу тизимдан мультимодал ёндашувни, яъни бир вақтнинг ўзида бир неча нейрон тармоқларини интеграция қилишни талаб қилади.

"LSTM" тармоқлари ёрдамида сўзларни гапларга бирлаштириш ва грамматик қурилмани ўрганишга ўтишни таъминлайди, натижада имо-ишора тилининг "алифбо"си ва дастлабки сўзаларни компьютерга ўргатиш орқали эшитиш нуқсонига эга шахслар учун тўлақонли рақамли кўприк яратилади, бу эса жамиятдаги инклюзивликни янада кучайтиради.

Илҳобек ВАЛИХОНОВ,
Фаргона давлат техника
университети талабаси.

КЕЧИНМА

Садоқат ҲАМРАЕВА



Баланд тоғнинг олис чўққисидаги хужра ёнида ўтириб, сенга довуз шовқини етиб келмайдиган олис манзилларга тикилсанг. Уфққа довуз чўзилган кенгликларда нигоҳингни ўз майлига қўйиб, уйлариңни ўз оламингда меҳмон қилсанг. Шу асно атрофингда, руҳингда ҳукмронлик қилаётган жимлик аро қалбинг овозини — сукунат ҳайқирғини эшитсанг! Руҳингда кўчган, тафаккурингда аксланаётган бу ҳайқирғиқа эрк бермоқ вақти етганда, ташқи борлиқни унутиб, мўъжазгина хужрадан кўним топсанг.

Хужра ичидаги иш столи ёнида борлиги сезилмайдиган даражада қулай ўриндик бўлса, иш столи устида ачиққина ҳовури қаҳва ёки кўк чойга тўлатилган финжон бўлса, доим қуввати тўлиқ компьютер хизматинга шай турса. Хужранинг офтобруя деразасидан илохий илҳом янглиғ оқиб кираётган нур шуруинга, кўнглингда сингиб кетса.

Шундай жимжитлик бўлсаки, илҳомдан гукураётган юрагинга ҳамоҳанг тарзда бармоқларинг клавиатура тугмачалари устида югурса. Тугмачалар шикирлаши қалбинг торларини аямай чертса, оқибатда жунбиша келган фикрлар, ўйлар, ҳислар таъсирида вақт ўз аҳамиятини йўқотса!

Ёзаверсанг, ёзаверсанг, ёзаверсанг, сукунат қаъридан отилиб чиқаётган юрагинг ҳайқирғини сўзга синдириб юборсанг. Ҳаёлинг суратини чизиб берсанг, оғриқларинг пўртанасини чизиларингга, айтимларингга синдириб юборсанг! Симёғочга бирров кўнган қалдирғочлардай ботокат ўйларинг ёзиб улгурмандингдан хотирингдан ўчмаса. Илҳом билан вақт, кўнглинги билан ақлинг бир бутун бўлиб, фақат ўзинг билан қолсанг.

Афсуски, ўзинг билан юзлаштирадиган тоғдаги олис хужрага ҳар доим ҳам қадаминг етмайди. Ундаги осуда муҳитни жамоат жойида ҳам яратиш олиш мумкин; ташқи таъсири тўсадиган

ромлар бугунги кунда янгилик эмас. Аммо шундай таъсир кучи борки, ундан қочиб қутулиб бўлмайди. Зирҳли ромлар, қалин деворлар, минглаб километрларга чўзилган ёлғизлик чегаралари ҳам уни қайтара олмайди. Бу ичингдан келадиган шовқин, бу турмушнинг акс-садоси. Шундай қилиб, ҳеч повни йўқ шовқин ташқаридан эмас, инсоннинг эҳтиёжларидан сизиб киради. Минг машаққат билан яратган осуда оламинг йўққа чиқса, нур мисоли шуруинга сингаётган илҳом ҳам парчаланаяди. Ана шунда ичингданги ёзувчи турмуш ташвишларига фарқ бўлиб, оддий инсонга айланади.

Тананг борлигини сездирмаса, ичингда сукунат бўлса, тафаккуринг эркин бўлади. Ана шундагина ичингданги ижодкор ўзи билан ўзи қолади. Ахир инсон энг рост гапини ёлғиз қолганидагина баралла айта олади. Қалб ҳайқирғи юзага чиқадиغان сукунат онлари шунчалар озки, бунинг акси ўлароқ, ёзувчининг жимликка бўлган эҳтиёжи чегараси йўқ. Таассуфки, баъзи эҳтиёжларни тўла қондириб бўлсингдан хотирингдан ўчмаса. Илҳом билан вақт, кўнглинги билан ақлинг бир бутун бўлиб, фақат ўзинг билан қолсанг.

Афсуски, ўзинг билан юзлаштирадиган тоғдаги олис хужрага ҳар доим ҳам қадаминг етмайди. Ундаги осуда муҳитни жамоат жойида ҳам яратиш олиш мумкин; ташқи таъсири тўсадиган

Муаллиф ҳақида:
Садоқат ҲАМРАЕВА 1990 йил Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманида туғилган.
Бадий ижод билан мунтазам шуғулланади. Асарлари республика нашрларида эълон қилинган.
2018 йили "Кўнглик кўзгуси" номли илк шеърый тўплами чоп этилган. Шеърлари турк ва озар тилларига таржима қилинган.

ИККИНЧИ ФИКР

ТАРОЗИНИНГ ИККИ ПАЛЛАСИ

ёхуд чўпон қасоскорми, халоскор?

Яқинда оммавий ахборот воситаларида Сурхондарё вилояти Узун туманида содир бўлган "Чўпон ва бўри" воқеаси ҳақида шов-шувли хабар тарқалди. Хабарнинг "хамиртуруши" ижтимоий тармоқларда акс этган видеотасвирлар бўлса, унинг "зувала"си Сурхондарё вилоят экология бошқармаси матбуот хизмати томонидан нашритилган. Энди хабарнинг ичига кириб борамиз.



Унинг ибтидосида: "У қўйларини ўтлатиб юрганида бўри хужум қилган. Шундан сўнг йиртқич жониворни таъкиб қилиб, ўлдирган. Ҳолат буйича унга нисбатан 8,2 миллион сўм миқдорда жарима қўлланди", дея эътиборни тортувчи жумлалар бор. Шу ерда "лирик чекиниш"ли бир мулоҳаза.

Чўпон таёғини судраб, "Чўли ироқ"ни хиргойи қилиб, қирлар бағрида чорвасини сархуш ўтлатиб юрар эди. Бирдан қиялиқдан кўзлари қонга тўлган йиртқич қўйлар подасига хужум қилди. Довжорак чўпон ўз чорвасини йўқ қилмоққа уринган бўридан жасорат билан ҳимояланди. У мардларча тажовузкор душман ортидан бориб, уни йўқ қилди. Таъкидлаш жоизки, бунга ўхшаш сюжетлар бадий адабиётлар ва киноларда ҳам тўлиб-тошиб ётибди.

Чўпон М.И.нинг тушунтириш хатида ҳам шунга монанд жумлалар бор. Хусусан, "Ўрганиш жараёнида аниқланишича, ҳолат 2025 йил 10 декабрь кунини Узун тумани "Бешкапа" маҳалласи ҳудудида содир бўлган. Фуқаро М.И. ўзига тегишли бўлган қўйларни адирлик ҳудудида ўтлатиб юрган вақтида бўри хужумига учраган. Фуқаро чорва молларининг бир қисмини ҳимоя қилиш, асраб қолиш мақсадида бўрини таъкиб қилганини, оқибатда бўри нобуд бўлганини ёзма тушунтириш хатида баён этган".

Энди бу ёғини эшитинг: фуқаро М.И.га нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 90-моддаси (ов қилиш ва балиқ овлash қоидаларини, шунингдек, ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш) 1-қисми асосида БҲМнинг 20 баравари — 8 миллион 240 минг сўм миқдорда маъмурий жарима қўлланиган (қайси суд ёки идора томонидан эканлиги номаълум).

Чамамда, баён этилган модда ҳам айбдорга тақалганда қаеридир ёпишмаганга ўхшайпти. Чунончи, "Ов қилиш ва балиқ овлash қоидалари..." Чўпон милтиқ кўтариб ёки қармоқ тутиб овга чиққаними? Шунингдек, бўрини ўлдириб, терисини шилиб, чармгарга тишларини тўкиб, кўча-кўйда ит тишини бўри тиши деб лақма одамларни чув тушириб юрадиган фирибгарларга сотиб, фойда қўришни кўзлаганини, шуниси мавҳум. Шу нуктада яна бир гап:

Борди-ю, бўри унинг бир-икки бош қўйини бўғизлаб, ўлдириб кетганида, бечора чўпон қўйлар хунини ким томонидан ва қай тарзда ундирган бўлар эди? Бундан ҳам даҳшатлиси, бўри (йиртқич) чўпонни бурдалаб ташлаганда, оқибати янада аянчли бўлишини тасаввур қилинг-чи! Билмадим-у, экологлар (балки, бошқалар) "марҳум бўривой"ни ювиб-тараб, тантанали кўмишдан аввал у кутуриш ёки бирон-бир хавфли касаллик билан оғирганми-йўқми, аниқлашганми? Буниси ҳам номаълум.

Сайидолм ХАЙДАРОВ,
журналист.

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Бектемир тумани солиқ инспекцияси томонидан Эрматов Баходир Хушматовичга 2025 йилда берилган МА 3727-рақамли хизмат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туманида жойлашган ТТЗ-4 мавзеидаги 36-уй, 12-хонадонга оид 2007 йилда Раджапов Урал Амониязович номига берилган № 04-01/22927 рақамли мулкка эгаллик ордери йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

РАССОМ ХАНДАСИ



Хусан СОДИҚОВ чизган карикатура.

